O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 25-mart, 2009-yil • №14 (618) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@mail.ru • www.uzhurriyat.uz

НАВРЎЗ — АРДОҚЛИ АЙЁМ

Наврўз ҳақида оғзаки маълумотлардан ташқари ёзма манбалар ҳам бор. Булардан бири — Хитой манбаларидир.

Хитойлик савдогар ва сайёҳлар Самарқанд ва Фарғонада ўтган Наврўз, умуман янги йилнинг кутиб олиниши ҳақида қизиқ таассуротларни ёзиб қолдиришган.

⇨ 3-бет

ХИТОЙ ТОҒЛАРИДА

Хуа тоғининг баланд нуқталарида Ю Чуан, Си Юе, Тсуй Юн каби кўплаб ибодатхоналарга кўзимиз тушди. Улар Хитой меъморчилигининг гўзал намуналаридан бири саналади. Бу қадамжоларни томоша қилиб баҳри дилингиз очилади, қолаверса, тоғ чўққисида ана шундай биноларни қурган заҳматкашларнинг матонатига ҳам қойил қоласиз.

⇨ 4-бет

ИБН СИНО ФАЛСАФАСИ

Қадимги мутафаккирлар, Афлотун ва Арасту ўсиб келаётган авлод таълим-тарбиясини давлат зиммасига юклаган бўлса, Ибн Сино бу вазифа биринчи галда оилага тааллуқли эканини асослаб беришга уринади. У жаҳон педагогикаси тарихида биринчилардан бўлиб фарзанд тарбиясида оқила аёл кишининг салоҳиятини кўтариш зарур эканига алоҳида эътибор қаратган эди.

⇨ 6-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **21 март куни Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида байрам тантаналари бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов сўзга чиқиб, халқимизни улуғ айём билан муборакбод этди.**

■ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг "Ўздонмаҳсулот" АК тизими корхоналаридаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

■ **Саудия Арабистонининг инглиз тилидаги KSA-2 давлат телеканали "Economic Horizons" деб номланган кўрсатувининг навбатдаги сонини Ўзбекистонга бағишлади. Унда саудиялик таниқли иқтисодий шарҳловчи Аҳмад Салим ал-Тухайний, кўзга кўринган молиявий-иқтисодий таҳлилчи, доктор Абдулқодир ал-Ҳабибулло, шунингдек, мамлакатимизнинг Саудия Арабистонидаги элчиси А.Қодиров иштирок этди. Кўрсатув доирасида "Ўзинфоинвест" агентлиги томонидан тайёрланган Ўзбекистоннинг сармоявий имкониятлари ҳамда мамлакатимизда яратилган қулай бизнес муҳити ҳақида ҳикоя қилувчи "Invest to Uzbekistan" ҳужжатли фильми ҳам намойиш этилди.**

■ Франция Сенатида "Марказий Осиё, ресурслар ва барқарор тараққиёт" мавзуидаги семинар бўлиб ўтди. У "Passages" (ADAPes) журналининг дўстлари уюшмаси томонидан ташкил этилди. Анжуманда Франция Сенати аъзолари, сиёсий ишбилармонлар, эксперт ва маданий-гуманитар доиралар, шунингдек, дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ЮРТ ОБОДЛИГИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҚЎЛИДА

Дарё ирмоқлардан бошлангани каби бизда Ватан тушунчаси ҳам қишлоқлардан бошланади, десак муболаға бўлмайди. Боиси юртимизда қишлоқ хўжалиги устувор тармоқлардан бири ҳисобланади. Демак, мамлакат куч-қудрати аграр соҳа тараққиётига бевосита боғлиқ. Жорий йилда ана шу мақсад йўлида жиддий қадам ташлашга қарор қилинганини халқимиз катта хурсандчилик билан кутиб олди.

Шаҳардаги иссиқ сув, тоза ичимлик суви, газ, электр нури билан узлуксиз таъминланган иссиқ, шинам ва кўркам уйда яшаб туриб қишлоқдаги муаммоларнинг моҳиятини англаб етиш мумкинми? Албатта, мумкин. Шаҳарлардаги, айниқса, бозорлардаги мўл-кўлчиликнинг асосий сабабчилари ҳам қишлоқ меҳнаткашлари ҳисобланади. Шаҳар аҳолиси етиштирилган ноз-неъматлардан баҳраманд экан, демак, қишлоқдаги муаммолар уларнинг турмуш тарзига ҳам тўғридан-тўғри таъсир этишини ҳис қилмоғи лозим. Қишлоқда эса муаммолар оз эмас. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бунга алоҳида эътибор қаратар экан, жумладан, шундай деди: **"Айни вақтда, қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини — бу уйжой қурилиши бўладими, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминоти бўладими, бир сўз билан айтганда, қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтаришга устувор аҳамият беришимиз керак"**.

(Давоми 2-бетда.)



ХУШХАБАР

«Микрокредитбанк»нинг халқаро рейтинги

Дунёнинг энг нуфузли «Фитч рейтингс» (Англия) халқаро рейтинг компанияси томонидан шу йил 18 мартда "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкига банкнинг молиявий ҳолати, яъни ўз молиявий мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш қобилиятига узоқ ва қисқа муддатли ҳамда умумий узоқ муддатли йўналишлари бўйича барқарор рейтинг баҳолари берилди.

"Микрокредитбанк" ушбу рейтингга ташкил этилганидан буён бутун иқтисодий фаолиятини оқилона юритгани ва шакллантиргани, МДҲ мамлакатларидаги худди шундай молиявий муассасалар ўртасида ўзининг кредитлар бериш лаёқати, айниқса, хусусий тадбиркорларга ва кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитларининг самарадорлиги, сифатли кредит портфели туфайли эришди.

Бу хушхабар бутун дунёда инқироз кетаётган даврда мамлакатимизда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими барқарорлигини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганидан, зарур ресурслар базаси мавжуд эканидан далолат беради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида банкнинг Низом жамғармаси 72 миллиард сўмга кўпайтирилиб, 150 миллиард сўмга етказилиши белгиланганди.

Яқинда Бутунжаҳон Микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви – "MIX-MARKET" (АҚШ) агентлиги ҳисоботига кўра, "Микрокредитбанк" Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида йириклиги бўйича жаҳоннинг энг яхши 100 та банклари сафига кирди ҳамда 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилди.

Банкнинг 2008 йилдаги фаолияти якунларини ўрганиш бўйича Прайс Вотер Хаус Куперс халқаро аудит ташкилоти жалб этилди ва унинг фаолиятига ижобий хулоса берилди.

Рашид РАУПОВ

P.S. *Яқинда мазкур молиявий муассаса 2008 йил якунлари бўйича ўз акциядорларига ҳисобот берди. Айни пайтда аҳолига сифатли ва қулай молиявий хизмат кўрсатиш, инфратузилмани шакллантириш, фермерларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини вужудга келтириш мақсадида банкнинг 78 филиали, 270 мини банки ҳамда бир неча агентлиги фаолият кўрсатмоқда.*

Ўтган йил "Микрокредитбанк" учун муваффақиятларга эришиш даври бўлди, десак муболаға бўлмайди. Молиявий муассаса сармояси аввалги йилга нисбатан 68 фоизга, активлар эса 146 фоизга кўпайди. Шунингдек, унинг таркибидаги даромад келтирувчи активлар миқдори ҳам ошди. 165 фоизга кўпайган кредит қўйилмасининг 26 фоизи қисқа муддатли ва 74 фоизи узоқ муддатли кредитларга тўғри келди. Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида берилган кредит, кўрсатилган лизинг хизматларининг салмоғи 164 фоизга етди. Бундан ташқари, банк кредит портфели 159,7 миллиард сўмни ташкил этиб, унинг 41,8 миллиард сўми қисқа муддатли, 117,9 миллиард сўми эса узоқ муддатли кредитлардир. Умуман, ажратилган микрокредит ва кўрсатилган микролизинг хизматлари ҳисобига республика бўйича 56 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

КЎЗГУ

ЎРТАЧЎЛ ОБОД МАСКАН

Бухоро вилояти билан Қарши шаҳри оралиғида кўндаланг тушган бир чети Қоракумга, бошқа тарафи Қизилқумга туташиб кетган ҳудуд қадимда Ўртачўл деб аталган. Ўртачўл ўзининг бепоёнлигидан ҳар қандай сайёҳни ҳам ҳоритиб қўйган. Карвонлар бу чўлни от ва туяда бир неча кунда зўрға босиб ўтган. Сафарга чиққан саркардалар ҳам мазкур биёбонни четлаб ўтишга ҳаракат қилишган. Бу ерда тиклинган сардобаларгина йўловчилар жонига оро кирган.

Қарши чўлларига Амударё суви чиқарилгандан сўнг Ўртачўлнинг қоқ марказида Муборак тумани ташкил этилган эди. Тўғриси, туман мустақиллик йилларида чинакамига ривожланди, гуллаб-яшнади. Бу диёрда илгари фақат чорвачилик билан шуғулланилган бўлса, эндиликда қишлоқ хўжалиги — пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик ва бошқа соҳалар ҳам йўлга қўйилди.

Шу билан бирга туман ҳудуди чинакам хазиналар маскани экани эътироф этилди. Мутахассислар мазкур ерда нефть ва газнинг жуда катта захиралари бисёр эканини аниқладилар. Ўнлаб нефть ва газга бой конлар очилди. Бугун ушбу нефть ва газдан мамлакатимиз иқтисодиётида самарали фойдаланилмоқда. "Зангори олов"ни қайта ишлайдиган, ундан конденсат—олтингугурт ажратиб оладиган, газни тозалайдиган йирик саноат корхоналар бунёд этилди.

"Муборакнефтгаз" унитар шўъба корхонаси, газни қайта ишлаш корхонаси, иссиқлик электр маркази, "Кўкдумалоқгаз" корхонаси, ўндан зиёд йирик қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари, олтита автоулов жамланмаси, кўплаб хусусий корхоналар ишлаб турибди. Биргина саноат корхоналарининг ўзида 25 мингдан зиёд муҳандис-техник мутахассислар ҳамда ишчилар меҳнат қилишади. Шуниси қувонарлики, туманда янгидан ташкил этилаётган кичик корхоналар ҳисобига иш ўринлари кўпаймоқда. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси ўлароқ туман аҳолисининг турмуш тарзи бевосита янги-янги иш ўринларининг ташкил этилиши ҳисобига яхшиланиб бораётир.

2 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

Муносабатларни қайта кўриб чиқиши мумкин

Россия ҳукумати раҳбари Владимир Путин Сочида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Россиянинг манфаатлари рад этиладиган бўлса, расмий Москва ЕИ билан муносабатларни қайта кўриб чиқиши мумкинлигини айтди.

23 март куни Брюсселда Украина газтранспорт тизимини модернизация қилиш бўйича халқаро инвестицион конференцияда Россия манфаатлари ҳисобга олинмай қарор қабул қилингани бундай жиддий чиқишга сабаб бўлди.

Якуний қарор қабул қилингандан сўнг Россия делегацияси конференцияни тарк этди. Делегация аъзоларининг таъкидлашича, унда Россия манфаатлари рад этилган. Сал олдинроқ расмий Кремль Украинанинг газтранспорт тизимини хусусийлаштириш ташаббуси билан чиқан ва бунга 25 миллиард доллар тўлашга рози эканини билдирган эди.

(Дунё сиёсатига оид хабарларнинг давоми бешинчи саҳифада) 5 »

БАДИА

Баҳор қайтаверади...

"Ҳамма байрам сайлига-а-а!!!" Бу жарчининг овози. Аввалдан халқимизда ана шундай одат бор: тўй-маъракаларга, йиғинларга халқни жарчи чақирган. Одамларни саҳарлаб уйғотган, огоҳлантирган. Бу одат ҳозир ҳам кўплаб қишлоқ ва овулларимизда бор.

Бу чорлов — Наврўз айёмининг келишидан дарак. Қишлоқ аёлларининг жони тошдан, кўнгли қуёш нуридан яралгандай. Улар тонг оқармасидан уйғониб, ярим тунда ухлайди, рўзғор юмушлари, кундалик ташвишларга йўғрилган ҳар бир куни учун Аллоҳдан рози бўлиб яшайди.

Салима опа одатдагидек бугун ҳам эрта уйғонди. Аввал ҳовлиларни супуриб-сидириб, кейин бузоқларга хашак ташлади. Жарчининг чорловини эшитиб дили яйради, ҳар доим бир хил ташвиш билан тўла кўнглига алланечук баҳорий эпкинлар теккандек бўлди. Ахир, бугун ўзгача кун-да! Дугоналари билан яйраб гурунглашади, дилда йиғилган гапларини айтиб дардлашади, ҳасратлашади. Турмуш ўртоқларининг ёмонини яшириб, яхшисини ошириб гапиришади. Аслида ўзбек аёлининг энг гўзал фазилати ҳам шу бўлса керак.

Ҳовлига йиғилган бир давра қизлар эса ўзларига оро бериш билан банд. Бири камон қошига ўсма югуртирса, бошқаси эгри толдан новда синдиради. Сочларига толбарг тақади. Улар бугун сандиқдаги атлас кўйлакларини-у, янги туфлиларини олиб, кийишади. Кейин ҳамма қатори байрамни нишонлаш учун қишлоқдан икки-уч чақирим наридаги яйловга боришади.

8 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ЮРТ ОБОДЛИГИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҚЎЛИДА

(Бошланиши 1-бетда.)

Демак, 2009 йилда қишлоқ ҳаётининг турмуши ва маданиятини янги поғонага кўтариш учун кенг имкониятлар эшиги очилади. Қишлоқнинг ободлиги ва у ерда истиқомат қиладиганларнинг турмуш фаровонлиги фақат янги уй-жойлар қуриш, деҳқончилик ва чорвачиликни юксалтириш, даромад ва бойлик орттириш билан белгиланмайди, албатта. Бугунги талаб мазкур ҳудуддаги аҳолига қулай шарт-шароитлар яратишни тақозо этмоқда. Айниқса, айрим қишлоқларда тоза ичимлик суви, газ ва электр энергияси таъминотидаги муаммолар ўз ечимини кутаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ер тез шўрланиб, қудуқ, ариқ ва бошқа манбалар ифлосланган, тозалаш-тақсимлаш иншоотларининг яроқсиз ҳолга келгани оқибатида тоза ичимлик сувига муҳтож бўлиб қолаётган ҳудудлар кўпгина вилоятларда бор. Масалан, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм ва Тошкент вилоятларида бундай қишлоқлар мавжуд. Жумладан, Ўрта Чирчиқ туманидаги аҳоли зич жойлашган Чиғирик қишлоғини олайлик. Атиги беш-олти йил олдин бу ердаги аҳоли тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган эди. Водопровод жўмракларидан сув оқиб турарди. Ҳозирги аҳвол эса дилни хира қилади. Тумандаги баъзи раҳбарларнинг масъулиятсизлиги оқибатида сув таъминоти тизими ишдан чиқди.

Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Хўжаҳайрон қишлоғини кўпчилик билади. Илгари бу ернинг сувини ичганлар ҳузур қилишарди, ҳозир эса... Маҳаллий аҳоли шўр сувга "ўрганиб" қолгандай гуё. Бироқ, ҳафта-ўн кун бошқа жойларда бўлиб қайтган хўжаҳайронликлар ҳам ўз сувига ўрганолмай қийналишади. Мен бу қишлоққа бориб тураман. Чунки ҳарбийда бирга хизмат қилган дўстларим бор. Илгари тунлари қишлоқ кўчалари-ю, хонадонларини чароғон қилиб турадиган электр токи кейинги йилларда кечаси бироз вақт ёниб, сўнг ўчиб қоладиган одат чиқарган.

Шубҳасиз, юртимизда шаҳарлар билан рақобатлаша оладиган қишлоқларимиз ҳам талайгина. Улар сони мустақиллик йилларида янада кўпайди. Нафақат ободонлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш, дўконлар ва кичик ишлаб чиқариш корхоналари барпо этишда ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди.

Айниқса, мустақиллик даврида фарзандларимизнинг таълим-тарбияси йўлида амалга оширилган ишларнинг баҳоси йўқ. Бугун деярли ҳар бир туманда бир нечталаб замонавий коллежлар, академик лицей ва ўнлаб мактаблар янгидан қад ростлади. Улардаги шарт-шароитларни истиқлолдан олдин орзу қилиш ҳам душвор эди, ҳа, бу ҳақиқат.

Қолаверса, мамлакат бўйлаб қанчадан-қанча қишлоқ шифохоналари, ҚВПлар қурилди. Янги йўллар, кўприклар бунёд бўлди. Бу ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаяптими? Бу бунёдкорликларни амалга ошириш осонми? Ахир, уларга қанчадан-қанча маблағ, ишчи кучи сарф этилмоқда.

Албатта, буларнинг қадрига етишимиз, бундай ишлардан қалбимизда фахр, ғурур туя билмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Кези келганда, бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Назаримда, қишлоқ ёшларининг деҳқончиликка ҳамда чорвачиликка меҳри ва лаёқатини ҳар тарафлама рағбатлантириш орқали уларда бу соҳаларга қизиқиш уйғотиш зарур. Қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашнинг бошқа йўллари ҳам кўп. Жумладан, ҳунармандчиликни янада кенг йўлга қўйиш, маҳаллий саноатни ташкил этиш, хизмат шохобчаларини ривожлантириш каби мавжуд имкониятларни ишга солиш зарур. Тўғри, бу борада юртимизда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" Давлат дастурида белгиланган вазифалар, Президентимизнинг фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари асосида амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим. Аммо маҳаллий раҳбарлар ҳам нуқул юқоридан бериладиган топшириқлар ижрочиси бўлиб қолмасдан, ҳар бир ҳудуднинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда жўяли режалар асосида иш юритсалар, нур устига аъло нур бўлар эди. Илгари қишлоқларда турли устахоналар кўп бўлган. Созлаш-таъмирлаш ишларида, уй-жойлар қуришда ҳам четдан уста чақирилмаган. Буларнинг ҳаммаси ўзимизнинг миллий турмуш тарзимизга хос. Ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланилса юртимиз янада обод, элатдошлар шод бўлади.

Иброҳим НОРМАТОВ,
журналист

ЧИМБОЙДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Чимбой туманида Наврўз байрами тадбири билан бирга меҳнат ярмаркаси ҳам ўтказилди.

Унда 36 корхона, ташкилот ва муассаса 112 бўш иш ўрни билан қатнашди. Натижада 108 нафар йигит-қизлар ўзлари танлаган соҳада ишлаш учун йўлланма олдилар.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЁРУҒ РЕЖАЛАР

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида тўққизта йўналиш ва 105 банддан иборат дастур ишлаб чиқилди.

Белгиланган режага кўра, жорий йилда вилоятда пахта ва ғалладан улкан хирмонни тиклаш билан бир қаторда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга оид тадбирлар ҳам белгиланган. Дастурга кўра, вилоятда мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш ҳажми кўпайтирилади. Бу йил 516 минг 200 тоннадан ортиқ мева, узум, сабзавот ва картошка етиштирилади. Деҳқонлар 700 минг тоннадан ортиқ қовун-тарвуз тайёрлаш, ҳосилнинг катта қисмини четга экспорт қилишни режалаштирган. Шунингдек, 173 минг тонна гўшт, 625 минг тонна сут ва сут маҳсулотлари етиштириш кўзда тутилаяпти.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 50 дан ортиқ замонавий кичик корхона фойдаланишга топширилади. Ундан ташқари 12 та гўшт ва сутни қайта ишлайдиган корхоналар барпо этилади.

Шунингдек, вилоятдаги мавжуд 6910 та фермер хўжаликларининг ҳар бирига камида 100 тадан парранда боқиш қатъий белгилаб қўйилди. Паррандачилик билан махсус шуғулланадиган фермер хўжаликлари ташкил этилди. Тоғли туманларда асаларичиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини тузиш юзасидан зарур тадбирлар кўрилмоқда.

Пўлат ГАДОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

БОЛАЛАРГА МУНОСИБ ТУҲФА

Тўрткўл туманидаги "Наврўз" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги 50-ўрта умумтаълим мактаби биноси эскириб қолганди. Туман марказидан 80 километр олисда жойлашган овулда болаларга ажойиб совға тайёрлаш учун мазкур мактабни қайта реконструкция қилиш юмушлари бошлаб юборилди.

"Кондрат—қурилиш" хусусий корхонаси жамоасининг 50 нафарга яқин қўли гул усталари мактабни ўз вақтида фойдаланишга топшириш учун астойдил ҳаракат қилишаяпти. Улар транспорт воситалари, озиқ-овқат ҳамда зарур қурилиш материаллари билан тўла таъминланган. Наврўз шукуҳи кезиб юрган шу кунларда мактабнинг ситиш тизимини қуриш ва сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ФАРҒОНАДА "БАХТ УЙИ"

Наврўз байрами арафасида Фарғона шаҳрида янги "Бахт уйи" қуриб фойдаланишга топширилди.

"Фарғона ЭЛ МАКС сервис" хусусий корхонаси лойиҳаси асосида "Қувасойтаъмирқурилиш" МЧЖ ишчилари томонидан лойиҳа қиймати 1 миллиард 339 миллион сўмлик барча қулайликларга эга бўлган бу муҳташам бино турмуш қураётган ёшларга хизмат кўрсатади. Янги "Бахт уйи"да ёшлар никоҳдан ўтишдан ташқари ҳуқуқий маслаҳатлар ҳам олишади.

Саноатхон ТОЖИБОЕВА,
"Hurriyat" мухбири.

МАҲАЛЛАНИНГ ЯНГИ ГУЗАРИ

Шаҳрихон туманидаги "Мустақиллик" маҳалла гузари янги биносининг очилишига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда вилоят ҳамда туман раҳбарлари, бир қатор эл суйган шоир ва ёзувчилар иштирок этишди.

Тадбир давомида тумандаги "Чашма" бадиий ҳаваскорлик ансамблининг чиқишлари йиғилганларнинг кўнгилларига завқ-шавқ улашди.

Тантанали маросим кам таъминланган оилалардан бирининг фарзанди Иброҳимжоннинг суннат тўйига уланиб кетди.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ИЖОДИЙ КЕЧА

Қашқадарё вилояти халқаро "Олтин мерос" жамғармасида шоир Сувон Соқийнинг 80 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди.

Кечани вилоят ҳокимининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ёрдамчиси Маматқул Ражабов очди. Шоирнинг яқинда «Ворис» нашриётида чоп этилган "Найки наво қилур" номли шеърий тўпламининг тақдимоти ҳам ўтказилди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Исмоил Тўхтамишев, адабиётшунос олима Чўлпоной Султонова, адиба Шарофат Ашурова, ёзувчи Темурпўлат Тиллаев шоирнинг ижодий маҳорати ҳақида сўзладилар.

Адиба УМИРОВА,
"Hurriyat" мухбири.

ҲУҚУҚ

Тадбиркорлар фаолияти қонун ҳимоясида

Мустақиллик йилларининг илк кунлариданоқ Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолигида хусусий мулкнинг давлат ҳимоясига олинишига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақли экани, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил мулкчилик шаклларидаги ишлаб чиқариш ташкил этилиши, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устунлигини, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги Конституциямизда кафолатланди. Давлатимиз раҳбарининг "Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари ҳамда бу борадаги бир қатор қарорлари асосида мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилди. Хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун молиявий жавобгарлик либераллаштирилиб, ҳисобот соҳаси, тадбиркорлик фаолиятини лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тизими соддалаштирилди. Текширишлар янада қисқартирилиб, кичик бизнеснинг ривожланиши янги босқичга кўтарилди.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида тадбиркорлик субъектларининг сони 38 900 тага етди, текширишлар сони эса ўтган йилга нисбатан 30,9 фоизга камайтирилди. Бу 390 та хўжалик юритувчи субъектда ўтказилиши лозим бўлган текширишлар режадан чиқарилди деганидир. Олиб борилган ишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йили вилоятда кичик тадбиркорлик субъектларининг саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги улуши 29,2 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси 97,4 фоизни, асосий капиталга киритилган инвестициялардаги иштироки 83,5 фоизни, чакана савдо айланмасидаги улуши 59 фоизни, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидаги салмоғи 64,6 фоизни ташкил қилди. Шунингдек, кичик бизнес субъектларининг экспортдаги улуши 43,1 фоизга етди.

Қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш ва уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитларни тушунтириш мақсадида ҳуқуқий тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Жойларда қонун ижросини ўрганиш ҳамда тадбиркорлар ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнида асосий эътибор тақдимномалар киритиш йўли билан ёки суд тартибида уларнинг бузилган ҳуқуқларини тўлиқ тиклашга, қонун бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишини ҳамда тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларнинг тўлиқ ундириб берилишини таъминлашга, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ёки ижросини тўхтатишга қаратилмоқда.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтган йил давомида тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини кўзлаб судларга 230 та даъво аризаси киритилди. Натижада тадбиркорларга 117 миллион сўмга яқин маблағ ундириб берилди. Шунингдек, суд қарорига асосан тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилган 25 нафар мансабдор шахснинг тадбиркорлар фойдасига 3,5 миллион сўмга яқин моддий ва маънавий зарарларни тўлашига тўғри келди.

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида ўтказилган текширишлар ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳокимлик, назорат қилувчи ва бошқа идораларга 175 та тақдимнома киритилиб, қабул қилинган 100 дан ортиқ нотўғри қарор бекор қилинди. 8 нафар айбдор маъмурий жавобгарликка, 323 нафари интизомий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйган 32 нафар мансабдор шахс вазифасидан озод қилинди.

Алишер МАРДИЕВ,
Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошлиғи.

ЎРТАЧЎЛ ОБОД МАСКАН

(Бошланиши 1-бетда.)

Туман ҳудуди Ўртачўлнинг 282 минг гектарини эгаллайди. Бу ерда йил сайин экинзорлар, боғ-роғлар кенгайтирилмоқда. Қадимий дашт бағрида бугун замонавий чаманзорлар бўй кўрсатмоқда.

Муборак тумани мамлакатимиздаги ижтимоий ривожланишнинг ёрқин йўлига тушиб олган ҳудудлар сирасига киради. Аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошириш бўйича кенг қамровли, режали иш олиб борилаяпти. Бугунги кунда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 88 фоизга, табиий газ билан таъминланиши эса 73,7 фоизга етказилди.

Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар фаолияти ҳам тез суръатлар билан ривожланаяпти. Ўтган йилда уларнинг ташқи савдо айланмаси 334 миллион АҚШ долларига етди. Шундан экспорт моллари 298 миллион 200 минг долларни, импорт эса 36 миллион 400 минг долларни ташкил этди.

Маълум бўлишича, Муборак тумани ҳудудида яшаб, ижод қилган улуғ аллома Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий ислом оламининг буюк зотларидан бири ҳисобланган имом Бухорийнинг устози бўлган экан. Айни пайтда Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий номи билан аталувчи хонақоҳ бутунлай қайта тикланди, атрофи ободонлаштирилиб, мақбарагача бўлган масофага кенг ва равон йўл қурилди. Бундан ташқари, Муборакда аждодларимиз фойдаланган иккита сардоба ҳам пухта таъмирдан чиқарилмоқда.

Ўртачўлга яна баҳор келди. Бу йилги баҳор ўзгача шукуҳ ва гўзаллик билан ташриф буюрди. Муборакликлар баҳорнинг қутлуғ ва баракали келишидан умидвор бўлиб, дала ва боғларда, яйловларда яратувчанликни ҳар томонлама авж олдириб юбордилар.

Панжи АЛЛАҚУЛОВ,
Муборак туман ҳокими, сенатор.

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР ВА ЮРТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Очиқ акциядорлик тижорат банк — "ПАХТАБАНК"дан янги имкониятлар таклифи.

Энди Сиз VISA Cardни "Пахтабанк"да олишингиз ҳамда дунё бўйлаб молиявий эркинлигингизни, ижтимоий фаровонлик ва ишончли келажагингизни қўлга киритишингиз мумкин!

Visa Electron — дунё амалиётида қулай бўлган тўлов карта бўлиб, илк бор тўлов картасини қўллаётган истеъмолчилар ҳамда чекланган даромадли мижозлар, талабалар учун, ёшлар учун таклиф этилади.

Visa Classic — универсал тўлов картаси ҳисобланиб, бутун дунёнинг ҳамма банкоматларида, реал ва виртуал дўконларида ҳамда телефон ва почта хизмати орқали маҳсулотларни харид қилиш дўконларида фойдаланиш учун қулайдир.

Visa Gold — энг нуфузли тўлов карта ҳисобланиб, бошқа хизматларга қўшимча равишда Сизга дунё бўйлаб саёҳатга чиққанингизда лозим бўлган ҳолларда тиббий ёрдам ва юридик хизматлари кўрсатилади.

VISA Cardларга эга бўлишингиз учун "Пахтабанк" филиалларига мурожаат қилинг.

Мурожаат учун телефонлар:
(8.371) 150-53-43, 150-85-27.

ҚАДРИЯТ

НАВРЎЗ — ардоқли айём

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

БЎРИ — ҚИШ РАМЗИ

Энди бу эчкининг муқобилидаги қиш тимсоли нима бўлган? Қишнинг тимсоли бўри деб айтиб ўтдик. Бизда кўпкари деган ўйин бор. К.С.Толстов туркманларнинг «кўк бўри» маросимий ўйини билан кўпкарини бир тизимда баҳолайди. Қозоқларда «қизқувди» деган ўйин ҳам моҳиятан «кўк бўри»ига уйғун келади. «Кўк бўри» билан «қизқувди» ўйинининг илдизи битта бўлган. Яъни қиз йигитга турмушга чиқмоқчи бўлса, улоқни опичлаб отда қочган. Йигит унинг изидан қувлаб бориб, улоқни тортиб олиши шарт бўлган. Ўшанда қиз йигитга турмушга чиққан. Халқ дунёқарашига кўра, табиатдаги қутблар — кун-тун, ўнг-чап, совуқ-иссиқ, ёз-қиш, йигит(эр)-қиз(аёл), яхши-ёмон, эзгулик-ёвузликнинг ўзаро кураши ва бирлиги ҳаётнинг давомийлигини таъминлаган. Қиш ва кўклам (яъни ёз)нинг ўзаро курашини акс эттирган кўпкари маросимий ўйинида бир қутб иккинчисининг устидан маълум муддат ғолиб чиқиб, ўзининг ҳукмини юритишни ифодалаган. Маросимда улоқнинг бўрилар ўртасида талош бўлиши, қишнинг тантанасини ёки қиш келганини, энди улоқ даври ўтиб, бўрининг даври етди, деган маънони ифодалайди. Лекин бу ҳодиса ҳозирга келиб халқ ўйинига айланиб кетган. Халқнинг қадим дунёқараши излари, илдизлари, куртаклари қўшиқ, халқ ўйинлари ичида маълум маънода сақланиб турибди. Энг қизиқ ва кишини жалб этадиган томони шундаки, гўё улар бир-биридан узоқ, ўзаро яқин келмайдигандек айтимлар, қўшиқлар, халқ ўйинлари илдизига, моҳиятига назар ташласангиз, улар халқимизнинг кўҳна мифологик дунёқарашларининг ирмоқлари эканлигини англатади. Тафаккур нури билан ушбу ўзан изидан борсангиз, кўҳна тасаввурлар тикланиб, бизнинг халқимиз ҳам оламни, одамни англашда, тушунишда дунё тамаддунлари бешигини тебратган халқ эканини англаймиз. Фақат биз ана шу изларни оламга бор бўй-басти билан кўрсата олишимиз керак.

Юқорида келтирган Ҳулкар ва Қамбар юлдузлар туркуми улоқ ва бўри, Ал образи ҳақидаги тизим бугун дунё фанида ўлиб тирилувчи табиат ҳақидаги қадим мифологик таълимотнинг ўзбекона талқинлари ҳисобланади. Бизнинг халқимиз ҳам дунёнинг бошқа халқлари қаторида табиатни "ўлиб тирилиб" турувчи жонли мавжудлик деб қабул қилган. Қишда кўклам, ёзда эса, аксинча, қиш ухлайди деб англаган. Бу ҳодисани эса коинот ва юлдузларга боғлаб англанган. Яъни қишда Қамбар, ёзда эса Ҳулкар ернинг остига кириб кетади. Қиш келаётган пайтда ер тагидан Ҳулкар ўсиб чиқади деб тимсоллар билан тушунтиришган. Нимадан? Қандай ўсиб чиқади деган саволга, образли тафаккур талқинида эчкининг туёғидан, деган жавоб бўлган.

БОЙЧЕЧАК МАРОСИМИ

Баҳорнинг, кўкламнинг даракчиси сифатида бойчечак олинган. Қадимда, айнан мана шу тасаввурларнинг барчасини бирлаштириб турадиган «Бойчечак» деган маросим ҳам бўлган. Баъзи бир қўшиқлар, маросимларнинг илдизлари (рудиментлари) ҳозирги кунларда ҳам деярли барча вилоятларда, айримларида маросим шаклида, баъзиларида эса фақат қўшиқ шаклида сақланиб қолган.

«Бойчечак» ҳақидаги дастлабки маълумотни улуғ шоир Абдулҳамид Чўлпон ижодида учратамиз. Унинг 1925 йилда Андижонда ёзилган бир шеъри «Бойчечак» деб номланади:

Бойчечакнинг боласи,
Очди юзини,
Сувга чиққан холаси
Кўрди қизини!

Бойчечакнинг боласи
Етимча бир қиз.
Унинг ўгай онаси,
Жуда ёмон, тез!

Бойчечакнинг боласи
Юлиб олинди.
Юртнинг кўзи оласи,
Жуда севинди!

Бойчечакнинг боласи,
Ҳар уйда кулди.
Гўдакларнинг халтаси,
Нон билан тўлди!

Мазкур шеър бир қараганда анчайин оддий туюлади. Лекин бу фақатгина юзаки қараганда шундай. Шеърнинг охирги тўртлигида шоир Чўлпон ўзи гувоҳ бўлган «Бойчечак» маросими ҳақида хабар бермоқда.

ҚИШ ВА ЁЗ КУРАШАР

Бойчечак маросими таҳлили шуни кўрсатадики, қадимда бу маросим қиш ва кўкламнинг курашини ифодалаган. Тилшунос аллома Маҳмуд Қошғарийнинг қиш ва кўклам мунозараси ҳақидаги сатрларини эслайлик:

Қиш ёз билан тўқнашди,
Қаҳрга тўлиб қарашди.
Кураш учун яқинлашди,
Енгаман деб олишар.

Бу сатрлар биринчидан қиш ва кўклам кураши ҳақидаги тасаввурлар акс этган қадимий қўшиқлар Қошғарий замонида ҳам мавжуд эканидан далолат берса, иккинчи томондан у Бойчечак маросим қўшиғига уйғун экани билан ҳам эътиборга моликдир.

Қиш узоқ чўзилиб, кўклам келиши интиқлик билан кутилганда Бойчечак маросими ўтказилган. Бу маросим улус ҳаётида муҳим саналган ва унга махсус тайёргарлик кўрилган. Маросимда сўз компонентининг нисбатан тугал ҳолатда сақланиб қолгани шундан дарак беради. Даставвал катталар ижросида ўтказилган бу маросим кейинчалик болалар фольклори кўринишини олган. Зеро, унутилган кўпгина маросимларнинг излари айнан болалар фольклори таркибида сақланиб қолади.

Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айронди,
Айронингдан бермасанг,
Қозон товоғинг вайронди.
Қаттиқ ердан қаталаб
чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб
чиққан бойчечак.

Ж.Фрэзер ўзининг «Олтин бутоқ» китобида айнан Ўзбекистондаги Бойчечак маросимига ўхшаш маросимни эслатувчи европоликларнинг «биринчи май» одатини келтирган. Фрэзернинг таъкидлашича, биринчи май куни ёш қизлар майни улуғловчи қўшиқлар айтиб, уйма-уй юришган. Ҳар бир хонадон соҳиби уларга пул ёки бирор егулик нарса улашган.

Республикамизнинг жанубий вилоятларидан ёзиб олинган бошқа маълумотлар эса Чўлпоннинг «Бойчечак» шеърига янада ойдинлик киритади. Яъни, бойчечак тергани чиққан болалар дастлабки, биринчи бойчечакни кўрганда уни оёғи билан босиб, топтаб ташлаганларидан сўнггина, бошқа бойчечакларни авайлаб теришга тушганлар. Бошқа бир маълумотда эса дастлабки бойчечак юлиб олиниб, дарёга отилган. Бу ўринда ҳар икки ҳолатда ҳам Бойчечак муқаддас саналиб, ҳам «қурбонлик» қилинмоқда.

Бойчечак маросимининг қандай ўтганини тасаввур этиш учун уни ўзимизда мавжуд бошқа мавсумий маросимлар билан қиёслаб ўрганиш зарур бўлади. Чунки кўпчилик мавсумий маросимларнинг мазмун моҳияти, ўтказилиш тартиби, унда ифода этилган символлар бир-бирига деярли уйғун келади. Бунга асосий сабаб табиатда сирли-сеҳрли куч мавжуд деб ишониш, унинг ҳодисаларини жонли деб тасаввур қилиш ҳамда мавсумий маросимлар асосан икки фасл — қиш ва кўклам ҳақидаги қарашлардан келиб чиқади.

Аждодларимиз нима учун айнан шундай маросимларни ўйлаб топишган ва улар театрлаштирилган ҳолатга келтирилган? Бу ҳолатни аждодларнинг авлодларга ўз тажрибалари, билимларини оғзаки шаклда етказиши деб тушуниш керак. Ахборотларнинг яхлит бир маросим сифатида келиши кўрган кўзга, эшитган қулоққа ва кўнгил хотирасига осон сингишади. Иккинчи томондан, ҳар қандай жамоавий тадбирда одамлар бир эзгу ният билан бирлашса, уларда жуда катта қувват жамланади. Нимаки, одамнинг кўнглида кечса, табиатга ҳам кўчади. Бу моддий воқелик. Яъни, одамлар ўз қувватлари билан табиатга таъсир ўтказамиз, деб англашган. Чунки улар табиатдан ўзларини ажратмаганлар. Табиатнинг фарзанди бўлишган. Бундан ташқари халқ эътиқодига кўра, айни кўклам кириб, қиш кетадиган пайт, яъни Наврўз вақтида шундай бир сония бўлар эканки, бутун табиат худди шу сонияда симобдай қалқир экан, эрир экан. Халқ бу ҳодисани нақл қилиб айтган.

ЯНГИЛАНИШ ЛАҲЗАЛАРИ

Қўйчибой ота деган донишманд ўтган. У зот йилнинг келишини, юлдуз ҳисобини билар экан. Одамларни бўлажак ҳодисотлардан огоҳ этиб турар экан. Кунларнинг бирида юрт подшоси айтибди: "Менга Наврўз қайси сонияда киришини аниқ айтиб, ҳисоб қиладиган борми?". Одамлар Қўйчибой отани кўрсатишибди.

Подшо Қўйчибой ота билан учрашиб, мақсадини баён қилибди. Қўйчибой ота:

— Тўқсон чиқиб, Аямажуздан сўнг Аҳман, Даҳман, Эзим, Хирман Нозим кунлари келганда учрашайлик, дебди.

Белгиланган муддат етибди. Қўйчибой ота подшони катта бир тош олдида кутиб олибди. Сўнг подшодан олтин сопли ханжарини бериб туришини сўрабди. Подшодан ханжарни олиб, бир неча вақт пойлаб, тошга санчибди. Подшонинг ханжари сариёғга ботгандек сопигача тошга сингиб кетибди.

Қўйчибой ота подшога, ана энди ханжарни олинг, дебди. Подшо ҳар қанча уринмасин ханжар қимирламабди. Подшо:

— Бу ёғи қандай бўлди? — дебди.

Қўйчибой ота:

— Энди ханжарни келаси йил худди шундай пайт — Наврўз кирган сонияда оласиз, бошқа иложи йўқ, — деб жавоб қилибди.

Қўйчибой ота халқона билимлар хазинабонининг йиғма образи. Ушбу нақл мағзида халқнинг кўҳна билим-тажрибалари мужассам топган. Демакки, ўтиш даври шунчалик қисқа, оний сонияга тенг экан. Бу пайтда бутун табиат бўшашиб, тин олиб, янги бўғимга ўтади. Янгиланиш кечаётган пайт олиниб, маросимнинг ўтиш муддати танлангани бежиз эмас. Бу пайт нафақат ер, балки космик миқёсда ўзгаришлар кечади.

ЁЗМА ДАЛИЛЛАР

Наврўз ҳақида оғзаки маълумотлардан ташқари ёзма манбалар ҳам бор. Булардан бири — Хитой манбаларидир.

Хитойлик савдогар ва сайёҳлар Самарқанд ва Фарғонада ўтган Наврўз, умуман янги йилнинг кутиб олиниши ҳақида қизиқ таассуротларни ёзиб қолдиришган. Уларнинг бирида, Фарғонанинг одамлари қизиқ экан, улар Наврўзда иккига бўлиниб бир-бирлари билан уришар экан, — дейилади. Сиртдан қараганда, бу урушишдек кўринган ҳолат аслида биз юқорида кўриб чиққан халқнинг кўклам билан қиш тимсолидаги маросимий курашидир. Хитойлик сайёҳ маросимни кузатиб, моҳиятини тўлиқ англамай, шундай фикрга борган. Яна бир ўринда Фарғона халқининг Наврўз маросимида турли ҳайвонларни уриштириб, фол кўришликлари айтилган. Бизда ҳозир ҳам Наврўз тантаналарида кўчқор, хўроз уриштиришлар бор. Аслида бу томошалар оддийгина кўнгилхушлик эмас. Қадимда томошабинлар уриштираётган ҳайвонларнинг бирини қиш, бошқасини ёз, деб олиб, уларнинг ҳолатидан йилнинг қандай келишини англашга интилганлар.

ҚУТ-БАРАКА КУТИБ...

Наврўз байрами қадимда анъанага кўра, покланиш, янгиланиш удумидан бошланган. Йилнинг охирги чоршанбасида кўчаларда, маҳалла кўйларда улкан оловлар ёқилган. Ўтганларнинг руҳига бағишлаб ис чиқарилган. Одамлар ўртасидаги гина-кудуратлар унутилган, улар бир-бирларига меҳр-мурувватли бўлишиб, яхши тилаклар билдиришган, гуллар ҳадя этишган, бева-бечораларнинг, беморларнинг ҳолидан хабар олишган, қабристонлар зиёрат қилиниб, ўтганлар руҳи хотирланган. Ҳашар уюштирилиб, уйлар, маҳалла, юрт обод қилинган, боғларга, далаларга гуллар, кўчатлар экилган.

Бободеҳқоннинг илк бор далага қўш чиқариши ҳам Наврўздан бошланган. Далага қўш чиқаришдан олдин у билан боғлиқ турли маросимлар ўтказилган. Масалан, қурбонликлар қилиниб, қўшга қўшиладиган ҳўкизларнинг шохи ёғланган. Бу «шох мойлар» маросимидан мақсад йилнинг қут-баракали келишига, тўкин-сочинлик бўлишига умид қилинган.

Қадимда Наврўз арафасида аждодларимиз етти хил экиннинг уруғини экканлар ва унинг ўниб чиқишига қараб йилнинг қандай келишини башорат қилганлар. Наврўз куни етти хил таом тайёрланган. Булар кўк сомса, кўк чучвара, ҳалим, кўк ош, дўлма, сумалак ва ҳоказолар. Етти рақамига урғу берилишининг ўз асоси бор. Чунки қадимда етти рақами муқаддас рақам ҳисобланган.

Сумалак, бойчечак, лола, гул сайиллари ҳам Наврўз байрами тизимини ташкил этган. Наврўз куни одамлар кўм-кўк қирларга, адирларга, тоғларга сайилга чиққанлар, табиат билан юзлашганлар, унинг гўзаллигидан, бетакрорлигидан баҳраманд бўлганлар.

Сумалак — баҳорнинг шифобахш, тансиқ ва шоҳ таоми ҳисобланади. Уни асосан аёллар тайёрлаб, қозон атрофида суҳбатлар қурганлар, чилдирма чалиб ўйин-кулги, ҳазил-мутойиба қилганлар, ўз сўзлари, куй ва қўшиқлари билан баҳорни — янги йилни алқаганлар. Сумалак тайёр бўлгач, барчани сумалакхўрликка — сумалак сайлига таклиф этишган.

АЖДОДЛАР ЁДИ

Наврўзга боғлиқ маросимлар билан танишар эканмиз, унда асосан икки жиҳат яққол кўзга ташланиб турганини кўрамиз. Биринчиси, аждодлар руҳига бўлган ҳурмат ва эҳтиром, иккинчиси ўлиб-тирилувчи табиатнинг жонли ҳолда тасаввур қилиниши ва улуғланиши.

Наврўзда қабристонларнинг зиёрат қилиниши, олов ёқилиши, ис чиқарилиши, қурбонликлар қилиниши аждодлар руҳига бўлган ҳурматни ифодалайди.

Наврўз пайти ўйналадиган «Оқ суяк» ўйинида ҳам аждодлар руҳига бўлган эҳтиромни кузатамиз. Бу ўйин ҳақида Алишер Навоий ҳам ўз асарларида маълумот беради. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида бу ўйин бугунга қадар ўйналиб келинмоқда. У асосан эрта кўклам пайти, кечкурун ўйналган. Болалар ўртасидан сайланган бошлиқ кўлидаги сўнгакни узоққа отган. Бошқа болалар уни топишга ҳаракат қилишган. Кимки суякни биринчи бўлиб топса, ўша бола ютган ҳисобланган. Оқ суяк ўйинининг айнан Наврўз пайти ва тунда ўйналишига сабаб, суяк аждодлар руҳи ёрдамида қиш-тунни ҳайдаб, кунга-баҳорга интилиш бўлган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Айнан кўклам пайтида фасллар алмашинуви, табиатнинг қайта тирилиши, уни жонлантириш билан боғлиқ маросимлар, томошаларнинг ўтиши ушбу маросимлар моҳиятан инсон ҳаётини янада яхшилаш, табиат мушкулотларини енгиллаштириш, келаётган кўклам ва янги йилни қутлаб, унинг қут-баракали ўтишини Яратгандан сўраш, турли ўйин, ҳаракат, қўшиқлар асосида келаётган йилнинг қандай бўлишини чамалаб кўришга хизмат қилган.

Қадимда кўклам маросимининг таркибий қисми бўлган халқ ўйинлари кўҳна тарих билан чамбарчас боғлиқ ҳолда асрлар оша анъана тарзида яшаб келаётгани халқимизнинг руҳий қуввати ва ижодий салоҳияти бениҳоя юксак эканидан далолат беради.

ЎЛМАС ҚЎШИҚЛАР

Гарчанд Наврўз байрами халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутса-да, ушбу маросим билан боғлиқ халқ қўшиқлари ҳали етарлича тадқиқ этилган эмас.

«Наврўз қўшиқлари» шартли атама бўлиб, бугунги кун фольклоршунослиги томонидан илмий адабиётларда қўлланиб келинмоқда. Аслида эса Наврўз маросимларидаги ҳар бир қўшиқ ёки қўшиқ туркумларининг ўз номи мавжуд. Лекин ушбу ҳолат барча қўшиқларни умумлаштирувчи «Наврўз қўшиқлари» атамасини инкор этмайди.

Инсоният тафаккури ўз тарихига эга.Унинг қатламларида шу кунгача бўлган оғнинг эврилишлар жараёни ўз ифодасини топган. Наврўз байрамига хос урф-одатлар, қўшиқларда ҳам биз бу жараённинг бадиий кўриниш олганини кўрамиз. Хусусан, турна ва ғоз баҳор хабарчилари ҳисобланади.

Наврўз келди, ёз бўлди,
Турна келди, ғоз келди.
Ям-яшил чорбоғлардан,
Булбулдай овоз келди.

Албатта, ҳар бир маросимда бўлгани каби Наврўз маросимининг ҳам ўзига хос таомлари, пиширикларини мавжуд. Сумалак ана шундай маросим таоми ҳисобланади. Сумалак пиширишнинг ўзи қатъий анъаналар асосида маълум тартиб-қоидаларга амал қилинган ҳолда бажарилади. Сумалак муқаддас таом сифатида қадрланади, алқанади. Сумалак ҳақидаги қўшиқлар ана шу алқов, олқишлар натижасида пайдо бўлган.

Баҳорнинг сен элчиси,
Яхшиликнинг белгиси,
Наврўзнинг сен синглиси,
Сумалакжон, сумалак.
Сумалакжон, сумалак.
Сумалакка йиғилар,
Катта-кичик ҳамма ҳам,
Пишиб чиқса тотисанг,
Кўнгиллар қувнар бирам.
Сумлакжон, сумалак,
Сумалакжон, сумалак.

Удумга кўра, ҳар бир киши яхши ният билан сумалак пишаётган дошқозонни ковлаши шарт. Кимда-ким қозон ковлаш бахтидан бенасиб қолса, у ўзини камситилган ҳисоблайди. Айни пайтда Наврўз арафаси, сумалак пишаётган вақтлар жамики эски гина-кудуратлар унутилиб, аразли кишилар ярашган ва бу ҳолатларнинг бари йилбоши — Наврўз, сумалак шарофатидан деб англанган.

Қиз боланинг рўмоли,
Қизил гулли шойи,
Билсангиз, сумалакжон,
Барча овқатнинг бойи.
Сумалакжон, сумалак,
Сумалакжон, сумалак.

Сумалак билан бир қаторда Наврўз кунларида ҳалим, Наврўз гўжа каби тансиқ таомлар ҳам пиширилган:

Наврўз келди бу кеча,
Пиширинг Наврўз гўжа.
Гўжаси ширин момоларга,
Берайлик бир жуфт жўжа.

Наврўз сайилларида қиз-жувонларнинг арғимчоқ-ҳалинчак учиш одати вилоятларимизнинг барча жойларида кенг тарқалган. Қадим-қадимдан келаётган бу удум ҳалигача ўз жозибадорлигини йўқотгани йўқ. Арғимчоқ кўпинча тол, тут дарахтларига ўрнатилган. Ушбу одатнинг ҳам қўшиқлари мавжуд:

Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,
Ҳалинчақда келинчак,
Салтлигини соғинган,
Келинчаклар куйинчак.
Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,
Учавергин келинчак,
Кўзга сурма ярашар,
Қўш чеккага қўш чечак.

* * *

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, баҳор байрами Наврўзи олам ҳақидаги ўйинлар, томоша санъати, маросим қўшиқлари халқимизнинг қадим тарихи ва руҳияти билан чамбарчас боғлиқ эканини, уларда табиатдаги ўзгаришлар, фасллар алмашинуви билан боғлиқ эътиқодий қарашлар ва инсон кўнглидан кечувчи некбин ҳис-туйғулар ўзининг бадиий ифодасини топганини кўрамиз.

Наврўз нафақат табиатнинг ўзгариши, яшариши, балки инсон қалби, руҳияти ва тафаккур тарзининг ҳам янгиланишидир. Табиатни англаш орқали ўзлиги, «мен»лигини қашф этган, қалбида ўзига ишонч, эртанги кун умиди уйғонган. Шунинг учун ҳам бу байрам ҳамма даврларда ҳам тинчлик, осойишталик, тотувлик, дўстлик, юртга, она табиатга меҳр-муҳаббатнинг тароналари, ҳар инсоннинг ўз халқи, унинг тарихи ва маданиятига бўлган ҳурматининг нишонаси бўлиб келган.

Шомирза ТУРДИМОВ,
Жаббор ЭШОНҚУЛ

Таҳририятга хатлар

МАКТАБ — ВАТАННИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Мактабнинг ҳар куни ўзига хос ўтади. Бу ерда ўқувчилар илм олишдан ташқари турли кўрик-танловлар, мушоиралар, спорт мусобақалари, учрашувлар, бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари уюштирилади. Ёшлар ободончилик, тозалик ишларида қатнашиб, дарахт ва гул кўчатлари экишади, парвариш қилишади. Темир-терсак, қоғоз парчаларини тўплашиб, мактаб ҳудудини тартибга келтиришади. Тарихий кунларни, байрамларни нишонлашда ҳам ҳар бир синфнинг ўз ўрни бор десак, муболиғ бўлмайди. Энг муҳими, таълим масканида ўқувчилар пухта билим эгаллашади. Шундай экан, ўқувчи учун мактаб Ватаннинг ажралмас қисмидир. Чунки болаликнинг 9 йиллик даври шу даргоҳ билан боғлиқ. Бу ерда мурғак қалблар тарбияланади, камол топади. Катта ҳаётга дадил қадам қўйишади.

Шамидулло ОТАҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти.

РУМИЙНИНГ САМИМИЙ СУҲБАТДОШИ

Бугунги ахборот ва техника асрида ақлий эҳтиёжларимизни қондиришнинг турли усуллари мавжудлиги сир эмас. Аммо ҳамма давр ва маконларда ҳам самимий суҳбатдошга интиқлик бўлган. Бунга улуғ шоир Жалолиддин Румийнинг кўплаб дин пешволари ва юзлаб муридлар қуршовида бўлишига қарамай токи самимий суҳбатдоши — Шамс Табризий билан учрашмагунича ўзини ёлғиз ҳис қилгани мисол бўла олади.

Румий ҳазратлари Шамс Табризий билан мулоқотга бериліб кетганидан воизлик ва мадраса ишларини ташлаб қўяди. Дарғазаб бўлган мурид лар эса Табризийнинг жонига қасд қилмоқчи бўлишганда, у қочишга мувaффақ бўлади. Буни эшитиб, Жалолиддин Румий бетоб бўлиб қолади. Иложсиз қолган мурид лар яна Шамс Табризийни топиб келишади. Икки дўст тағин уч ой тинимсиз суҳбат қуришади. Бу бир-бирини маънан тушунган икки маслакдош дўстнинг ўз даражасидаги ҳамсуҳбатга ташналиги белгиси эди.

Баҳодир МУСАЕВ,
Қашқадарё вилояти.

ЯНГИОБОД БОЗОРИДА НИМА СОТИЛАДИ?

Пойтахтимизнинг Янгиобод даҳасидаги эски буюм ва маиший хизмат жиҳозлари сотиладиган ихтисослаштирилган бозорда ўғирланган телефонлар, ахлоқсизлик юзларини тарғиб қилувчи видео дисклари ҳам учратиш мумкин. Бозордаги масъул милиция участка нозирлари билан учрашиб, шу масала хусусида сўрадим. Улардан бири: "Биз бундай шахсларнинг изидан тушганмиз, фуқаро кийимидаги махсус гуруҳларимиз ишлаяпти, яқинда ҳаммаси йўқ бўлади", — деди ишонч билан.

Уч-тўрт ой ўтгач, бозорга яна тушдим. Лекин, афсуски... Аҳолининг маърифий-ахлоқий онгига таҳдид солаётган бундай "маҳсулот"лар кўпайса-кўпайибдики, заррача камаймабди. Беҳаё "фильм"лар миясини заҳарлаган "сотувчи"лар на ёшларнинг эртасини, на Ватанимиз истиқболи хусусида қайғурадилар. Уларга пул бўлса бўлди. Бу эса барчамиздан эҳтиёткорликни ҳамда муаммони бартараф этиш учун бирга курашишни талаб этади.

Ўткир ДЎСИЯРОВ,
Тошкент шаҳри.

УЙИМИЗ ЧАРОҒОН БЎЛСА...

Чироқчи тумани "Кўкдала" ММТП 6 бўлими ҳудудидаги "Бодомзор" маҳалласи аҳли анча йиллардан бери электр токисиз яшаб келаяпти. Бу борада 8 йилдан буён туман мутасаддиларига қилаётган арзимиз бесамар кечмоқда.

Бутун дунё компьютер, мобиль телефон, телевизор, ДВД каби замонавий аппаратуралардан фойдаланаётган бир пайтда, бизнинг болаларимиз оддийгина электр лампочкаси нурига зор бўлса, буни қандай тушиниш мумкин? Муҳтарам Президентимиз 2009 йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилди. Истардикки, туманимиз раҳбарлари лоқайдлик қилишмасдан жорий йилда қишлоғимиздаги бу муаммони ижобий ҳал қилишса...

Жомурод БОЙҚУЛОВ,
Қашқадарё вилояти.

БУНДАЙ ҚИЛМАЙЛИК

Яқинда кўча четига ахлат тўкаётган аёлни тартибга чақирмоқчи бўлдим: "Бундай қилманг, сингилжон, наҳотки кўчани булғашга виждонингиз йўл қўйса, ахир сал нарида ахлат тўкадан қутилар турибди-ку!"

Келинчак менга бақрайганча қараб турди-да, норози оҳангда ғудранди:

— Битта мен шундай қилаяпманми, ҳамма шундай қилаяпти-ку, нега уларга гапирмайсиз?

Дарҳақиқат, яшириб нима қилдик: ёнатрофдаги айрим қўшнилар, маҳалладошлар орасида ҳам ахлатни тўғри келган жойга ағдариб кетадиган, ҳаммомнинг оқовасини, кирчирининг мағзавасини ариқларга оқизиб қўйишдан ор қилмайдиганлар ҳам бор. Кўпчилигимиз эса бундай кимсаларга бир оғиз "ҳой бундай қилма" деган танбеҳни беришга эринамиз. Шу боисдан ҳам афсуски, кейинги пайтларда оқар сув манбалари: ариқ-зовурлар, кўча четлари чиқинди ташлайдиган жойга айланиб қолаяпти. Ахир, бу билан ҳаёт ва поклик манбаи бўлган сувларимизни ҳам ўз қўлимиз билан ифлослантириб юборяпмиз-ку!

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ,
Тошкент вилояти.

САЁҲАТ

Хитой тоғларида

Қояларни забт этишни ҳеч орзу қилганмисиз? Бунинг учун альпинист бўлиш керак, дерсиз. Сиз ҳақсиз, лекин Хитойнинг Сиан шаҳридан 120 чақирим узоқликда жойлашган гўзал ва пурвиқор Хуа тоғи (Хитой тилидан таржима қилинганда "Гул тоғи") чўққисини забт этиш учун альпинист бўлиш шарт эмас. Табиат гўзалликларидан баҳра олишга қодир ҳар бир инсон бу қояларни забт эта олади. Чунки энг баланд чўққиси 2160 метрни ташкил этган бу тоғда ҳар йили миллионлаб сайёҳлар меҳмон бўлишади.



Суратда: *ёш ўзбек журналистлари, ҳозирда Хитой Халқ Республикасининг Ланжоу университети талабалари Ойдин Саъдуллаева ва Муҳиддин Алимбоев.*

Хуллас, биз – "Соғлом авлод" газетаси мухбирлари, ҳозир Хитой Халқ Республикасининг Ланжоу университети талабалари дўстларимиз билан ана шу тоғ чўққисига чиқиш учун отландик. Албатта, альпинистлар каби чўққига арқонда чиқмадик, лекин унга олиб бориладиган жуда тор ва қия зиналардан кўтарилдик. Жуда хавфли бундай йўллардан чиқишнинг ўзи ҳам кишидан довюракликни талаб қилар экан. Ҳар бир қадамингизни эҳтиёткорлик ила ташламасангиз, шундоққина ёнингиздаги жарликка тушиб кетишингиз ҳеч гап эмас. Тоғдаги ғорлар ичидан ўтиб борар эканмиз, беихтиёр қўрқув боса бошлайди. Шундай бўлса-да, энг баланд нуқтага чиқиш ва атроф гўзаллигини у ердан туриб томоша қилиш истаги бизни олға бошлайди.

Зиналар четидаги занжирларга таяниб, юқорига чиқиб борар эканмиз, занжирларга боғланган ҳисобсиз қизил мато ва қулфларга кўзимиз тушди. Атрофда изоҳ сўраш мумкин бўлган киши йўқлиги учун йўлимизда давом этдик. Сўнг тоғ ўртасидаги мўъжазгина бир тамаддихонага етиб келдик. Шаҳар шовқинидан узоқда, чароғон юлдузлар нур сочаётган осмон остида, ой шуъласида, баҳайбат тоғлар қўйнида ўтириб дам олишнинг ўзгача завқи бор-да.

Қуёш аста-секин ўз қиёфасини кўрсата бошлади. Тонгнинг жамолини бироз кузатиб, яна йўлга тушдик. Кун ёришгани сари қоялар янада ваҳимали кўрина бошлади. Бу орада тоққа чиқаётган кишилар сони ҳам кўпайди.

Хуа тоғининг баланд нуқталарида Ю Чуан, Си Юе, Тсуй Юн каби кўплаб ибодатхоналарга кўзимиз тушди. Улар Хитой меъморчилигининг гўзал намуналаридан бири саналади. Бу қадамжоларни томоша қилиб баҳри дилингиз очилади, қолаверса, тоғ чўққисида ана шундай биноларни қурган заҳматкашларнинг матонатига ҳам қойил қоласиз. Яна бу ерда кўплаб ғор ва ўраларни кўрдикки, уларда қачонлардир одамлар яшагани шундоққина билиниб турарди. Кейин билсак, қадимда бу ерда табиблар яшаган экан.

Пешинга яқин тоғнинг энг юқори нуқтасига – 2160 метр баландликка кўтарилдик. Чўққига етганда эса юракларимиз ҳапқириб кетди. Бу ердан она замин шундай улкан кўринардики, гўё бу тоғларнинг охири йўқдек туюларди! Табиат гўзаллигига тан бериб, бутун борлиқ ичида ўзимизнинг жуда кичкина ва ожизлигимизни қалбан ҳис қилдик. Ўша онда қаттиқ ҳаяжонда эканимиз ва завқ-у шавққа тўлиб турганимиз шундоққина билиниб турган эди.

Ҳолатимизни кузатиб турган шу атрофда яшайдиган бир қария бизни гапга тутди. У бизнинг қай юрт фарзанди эканимиз билан қизиқди. Биз ўзимизни таништириш асносида она юртимизда ҳам ана шундай гўзал масканлар кўплиги ҳақида сўзлаб бердик. Муқаддас тарихий қадамжоларимиз тўғрисида ҳикоя қилиб ўзимиз ҳам қувондик. Ўз она Ватанинг ҳақида ўзга юрт вакилларига сўзлаш, уларнинг қизиқиб сизни тинглаши нақадар завқли. Қария қаерда ўқишимиз ёки ишлашимизни сўраганида, журналистлигимизни айтиб, ўзбек газеталаридан намуна сифатида "Соғлом авлод" ни ҳам кўрсатдик. Юрагимиз чексиз фахр ҳисси билан билан тўлиб, газетамиз қадами шу ерларгача етиб келганидан беҳад хурсанд бўлдик.

Орада биз ундан нима учун занжирларга қулф ва мато боғланганини сўрадик. Қариянинг айтишича, хитойликлар бу тоғни муқаддас билиб, зиёрат қилгани келадилар, дилларига тукқан ниятлари рўёбга чиқиши учун унга қулф ва қизил мато боғлайдилар.

Ҳа, дунёда турли қарашлар ва таълимотлар мавжуд. Лекин барчасининг замирида фақат бир нарса — эътиқод бор: Яратганга ишонч — эзгуликка ишонч! Биз Хуа тоғига қилган саёҳатимиз давомида табиатнинг қудрати беҳад чексиз, мўъжизалари беҳисоб эканига яна бир бор амин бўлдик.

Ойдин САЪДУЛЛАЕВА

АҲВОЛ

Фарғона вилояти Охунбобоев туманининг 23-ўрта умумтаълим мактаби қошидаги "Зарнигор" чимусти хоккейчи қизлар жамоаси чорак асрдирки, республикамиз миқёсидаги ва халқаро мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Шу боис ҳам мактаб жойлашган Шомирза қишлоғи аҳолиси спортчи қизлари билан фахрланиб юришади. Аммо...

Аёнга баён ҳожатми?

ёки "Зарнигор" чимусти хоккейчи қизлар жамоасидаги муаммолар хусусида

"Фарғона ҳақиқати" газетасининг 2007 йил 14 август сонида «Зарнигор"га ким ёрдам беради?" сарлавҳали танқидий мақола ҳам босилган эди. Унда спортчи қизлар жамоаси моддий қийинчиликларга учраётгани, йирик-йирик мусобақаларга таклиф қилинса-да, «маблағ йўқлиги»дан боролмаётгани, боз устига спорт кийимлари эскириб кетгани, энг зарур жиҳозлар йўқлиги айтиб ўтилганди. Бироқ на туман ҳокимлиги, на халқ таълими соҳаси вакиллари, на бу масалага тегишли бошқа идоралар, на бирор "қўли узун" тадбиркор кўмак берай демади. Мақолани чоп этган газета таҳририяти эса "айтдигу қўйдик" қабилида қолаверди.

Чимусти хоккей жамоаси ташкил топганидан бери унга таниқли мураббий Абдуҳамид Ваҳобов бошчилик қилиб келмоқда. Болалар спорти жонкуяри, тиниб-тинчимас бу инсоннинг нафақага чиққанига 10 йилча бўлишига қарамай, ҳануз "Зарнигор"чилар ташвиши билан елиб-югуради.

— Туман марказидан анча олисда жойлашган қишлоғимиз 60 нафардан зиёд Ўзбекистон чемпионларини етказиб берганининг ўзи ҳам шомирзаликларнинг спортга қизиқишлари қанчалик юқори эканидан далолат беради, — дейди А.Ваҳобов. — Гап жамоамиз ҳақида борар экан, спортчи ўқувчиларимиз жиддий қийинчиликларга қарамай, қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида қисман тўхталмоқ жоиз. Мустақилликка эришганимизнинг илк йилларидаёқ Санк-Петербург ҳамда Украинада ўтказилган халқаро мусобақаларда Ўзбекистон терма жамоаси сафида иштирок этиб, тўртинчи ўринни қўлга киритишди. Мамлакатимиз чемпиони номига мушарраф бўлган Муқаддас Йўлдошева, Севара Исабоева, Матлуба Ваҳобова, Муҳаббат Маҳмудова, Одина Усмонова, Муборак Исоқова сингари спортчи қизлар юртимиздаги олий ўқув даргоҳларига имтиҳонсиз қабул қилинди. Шогирдларимиз кейинги йилларда ҳам республика чемпионати олий лигаси биринчиликлари ҳамда кубок мусобақаларида фаол қатнашиб, қувонарли ютуқларни қўлга киритишди. Ёш спортчи қизларимиз ҳозир ҳам қатъиятли. Орзу ниятларимиз бир дунё. Айниқса, шу йил Бухоро, Андижон, Фарғона, Наманган ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилажак мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўрмоқдамиз. Лекин...

Ҳа, халқимизда «Аёнга баён не ҳожат» деган нақл бор. Аммо минг афсуски, жамоанинг бугунги кунда ҳам энг зарур спорт жиҳозларига эга эмаслиги, жумладан, спорт кийимларининг эскириб қолгани, машғулотлар олиб бориш учун ҳатто тўпларнинг деярли йўқлиги ва энг муҳими, мусобақаларда қатнашиш учун моддий-техник имкониятлар яратиб берилмаётгани кўнгилни хира қилади. Таассуфки, бир пайтлар халқаро мусобақалар совриндори бўлган "Зарнигор" бугун кўмакка, эътиборга муҳтож.

Бир нарса кишини ўйлантиради. Мамлакатимизда болалар спортига давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор берилаётган бир пайтда, наҳотки Фарғонадек катта вилоятда мактабдаги спортчи қизларга кўмак берадиган ёки уларни қўллаб-қувватлайдиган бирор ташкилот ёки ҳомий топилмаса? Қолаверса, вилоят халқ таълими бошқармаси, Охунбобоев тумани ҳокимлиги мутасаддилари бу борада амалий тадбир кўришга наҳот илож топа олмайди?

Бунга ишониш қийин...

Солиқ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири.

Урганч туманида жойлашган

"ASL PARRANDA"

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

юртимиз аҳолиси ва меҳмонларини фусункор баҳорнинг бетакрор ва боқий байрами —

Наврўзи олам

билан чин дилдан қутлайди.

Барчага бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, хушнудлик ёр бўлсин!

ТАКЛИФ

Нукусда ер ости йўлаклари кўпайса...

Айтишларича, машҳур шоир Миртемир самолётда Нукус шаҳрининг Қизилқум саҳросида ястаниб ётганини кўргач, маҳлиё бўлганча "Эй, саҳро гўзали!", — дея хитоб қилган экан.

Дарҳақиқат, Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти мустақиллик йилларида ўз қиёфасини янада ўзгартириб, чин маънода «Саҳро гўзали"га айланди. Шаҳарда бунёдкорлик ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Маълумки, кейинги йилларда транспорт воситалари — турли русумдаги автобуслар ва енгил машиналар қатнови Нукус шаҳрида ҳам анча кўпайди. Шу сабабли, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб масалага айланди. Шу боис, 250 мингдан ошиқ аҳолига эга Нукус шаҳрида йўловчилар хавфсизлигини яхшилаш учун марказий бозорнинг шарқий қисмида ер ости йўлаги барпо қилинганди. Шаҳарнинг энг гавжум жойида бундай йўлак қурилгани "узукка кўз қўйгандек" бўлди. Бу яхши, албатта. Лекин шаҳарнинг Кўҳна қалъа қисмида ҳам автостанция мавжуд бўлиб, унинг ғарб томонида, катта асфальт йўлнинг бўйида савдо ўринлари жойлашган. Бу ер одамлар билан ҳамиша гавжум. Натижада пиёдалар катта кўчани кесиб ўтишида кўплаб асаббузарлик ҳамда ноқулайликлар келиб чиқаяпти. Назаримда, худди мана шу жойда яна битта ер ости йўлаги қурилса, айни муддао бўларди, — дейишмоқда шаҳар аҳли.

Ғойиб ЁКУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

АВВАЛИ

Илмлар тараққийдадур

Ушбу замонда йанги ижод ва ихроатлар кўпайиб кундан кунга ҳар хил йанги илмлар тараққийдадур. Чунончи илми ҳикмат устодларидин италийалик Тупазини деган бир муалим электрическийдан бир асбоб тартиб қилибдурким ҳавода булут бўлуб вараду барқ (чақмоқ, яшин) бўлишини олти-ети соат илгари хабар берадур. Уч-тўрт йуз чақирим масофатдаги ҳавонинг бўладурган тасиротини ва бўладургон тағайурининг (ўзгаришни) тақлидини ул асбоб электрический қути илан ҳаракатга келиб илгарироқ маълум қилодур.

"Туркистон вилоятининг газети"
30 июн 1901 йил.

Нашрга тайёрловчи: Аъзам УМАР

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Ҳурматли ҳамюртлар,
ҳамкорлар ва ҳамкасблар!

Ипотека банк Сизни гўзаллик ва баҳор айёми — Наврўз билан муборакбод этади. Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик, қувонч, баҳорий кайфият, Ватанимиз равнақи, юрт тинчлиги ва эл фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда ривож тилайди.

Ипотека банк барча турдаги банк хизматларини кўрсатади ҳамда қулай ва Сиз учун фойдали хизматларидан фойдаланишга имконият яратган ҳолда молия оламида мўлжал олишга, маблағингизни унумли сармояларга жойлаштиришга ёрдам беради.

IPOTEKA BANK

www.ipotekabank.uz

Зарафшон академик лицейи жамоаси

барча юртдошларимизни ўғуноиш ва яшариш фасли — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади. Гўзаллик ва эзгулик айёми ҳаётимизга мазмун, хонадонларимизга қут-барака олиб киришини тилайди.

"УРГАНЧ БУЮМ БОЗОРИ"
масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Сиз азиз ватандошларни баҳор байрами —
Наврўзи олам
билан чин дилдан қутлайди.
Меҳнатсевар халқимиз ва мустақил мамлакатимизнинг эртаси бугунгидан-да порлоқ, нурафшон бўлсин!

ИРОҚ РАҲБАРИНИНГ УЛЬТИМАТУМИ

Ироқ президенти Жалол Талабани мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган Курд ишчи партиясига ультиматум қўйди. Унга биноан КИП ё тинч фаолият кўрсатади ёки мамлакатдан чиқариб юборилади. Жалол Талабани Туркия президенти билан бўлиб ўтган учрашувдан сўнг шундай талаб билан чиқди.

Туркия президенти Абдулла Гул ушбу масалани махсус муҳокама қилиш учун Ироққа келган эди. Талабанининг таъкидлашича, Ироқ конституциясига биноан мамлакат ҳудудида бирон бир ҳарбий бўлинма ташкил этилишига йўл қўйилмайди. У курдларни сиёсий йўл билан ўз ҳуқуқларини талаб қилишга чақирди.

ҚАЙТА САЙЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ

Словакияда президент сайлови бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга қараганда, бу умумхалқ тадбирида сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 40 фоизи қатнашган. Сайловчиларнинг 48 фоизи амалдаги президент Иван Гашпарович номзоди учун, 37 фоизи эса собиқ меҳнат ва ижтимоий таъминот вазири Ивет Радичова номзоди учун овоз берганлар. Қолган беш номзод эса жуда оз овоз олишган.

Биринчи турда ҳеч ким 50 фоиздан кўп овоз ололмагани учун 4 апрель куни сайловнинг иккинчи тури бўлиб ўтади.

НАМОЙИШЧИЛАР ҲИБСГА ОЛИНДИ

Бельгия полицияси НАТО қароргоҳига бостириб кирмоқчи бўлган 150 нафарга яқин намойишчини ҳибсга олди. Улар Шимолий Атлантика блоки тарқатиб юборилишини, Афғонистондан халқаро коалицион кучлар чиқарилишини талаб қилишган.

Намойишчилар НАТО ташкил топганининг 60 йиллиги ва 3-4 апрель кунлари аляснинг навбатдаги саммити олдидан норозиликларини шундай билдиришди. Шунингдек, улар АҚШнинг ядро қуролларини Европа ҳудудидан Америка ҳудудига олиб кетилишини ҳам талаб қилишди.

ЮРТИГА ҚАЙТМОҚЧИ

Грузиянинг собиқ мудофаа вазири, мухолифатдаги "Ягона Грузия учун" партияси етакчиси Ираклий Окруашвили ватанига қайтмоқчи. Бу ҳақда собиқ вазирнинг сафдошлари айтишди, лекин унинг қачон қайтишига аниқлик киритишмади. Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 9 апрель куни грузин мухолифатчилари президент Михаил Саакашвилининг истеъфога чиқишини талаб қилиб намойиш уюштирмоқчи.

Окруашвили ватанига қайтадиган бўлса, у қамоққа олинади. Собиқ вазир сиртдан 9 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган. Шунинг учун у ҳозир Францияда яшамоқда.

ШАРҚИЙ ЕВРОПА УЧУН КРЕДИТ

ЕИ жаҳон иқтисодий инқирозидан жабр кўрган Шарқий Европа мамлакатларига 50 миллиард евро кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳақда яширин манбаларга таяниб, Ассошейтид пресс хабар тарқатди. Аввалроқ ЕИ 25 миллиард евро



кредит беришни режалаштирганди. Ҳозирча Венгрия ва Латвияга 10 миллиард еврога яқин пул берилди. Энди навбатда Руминия турибди.

Март ойининг охирида Еврокомиссия Халқаро валюта фондига мурожаат қилмасдан олдин ЕИга мурожаат қилган ҳар қандай мамлакатга кредит ажратишга тайёр эканини билдирган эди.

БАНК НАЦИОНАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

Венесуэла ҳукумати мамлакатдаги катталиги жиҳатидан учинчи ўринда турадиган Banco de Venezuela банкини национализация қилмоқчи. Ушбу банк Испаниянинг Santander молия гуруҳига қарашли.

Мамлакат президенти Уго Чавеснинг таъкидлашича, банкнинг национализация қилиниши, аввало, мамлакат молия тизими барқарорлиги, ижтимоий ривожланиши учун керак. Чавес ушбу банкни национализация қилиш тўғрисидаги гапни биринчи бор 2008 йилнинг ёзида тилга олганди. Кейинги пайтларда Венесуэлада кўплаб хориж фирмаларига қарашли корхоналар национализация қилинди. Ҳукумат вакилининг таъкидлашича, чет эл акционерларининг сиёсати мамлакат ривожланишига хизмат қилмайди.

ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИ КАМАЙГАЧ...

Ўтган йили Украина пойтахти Киевдаги қурилишларда 100 минг нафардан кўпроқ қурувчи ишларди.



Ҳозирда эса уларнинг сони 10 минг нафар атрофида. Шаҳар қурилиш ташкилотлари касаба уюшмаси раҳбари Владимир Крижановскийнинг таъкидлашича, Киевдаги 200 та қурилиш корхонасининг 11 тасида маошдан қарзлар бор, 37 тасида тўлиқсиз иш куни жорий қилинган, 60 тасида эса ишчилар мажбурий таътилга жўнатилган. Қурилиш соҳасидаги маошлардан давлатнинг умумий қарзи март ойи бошига келиб 233 миллион гривнани ташкил этди.

2008 йил охирига келиб мамлакатдаги 80 фоиз қурилишлар тўхтатиб қўйилди. Жорий йил давомида уй-жой қурилиши икки баравар қисқаради.

ОЙЛИК ҲАМ, ИШ ЎРНИ ҲАМ ҚИСҚАРАДИ

«Би-би-си» корпорацияси телевидение ва радио ходимларининг маошини қисқартирмоқчи. Бу ҳақда компания раҳбарларининг гапига таяниб The Daily Telegraph ахборот тарқатди.

Ушбу хабарда айтилишича, компания ходимларининг 40 нафарга яқини йиллик шартнома бўйича 1 миллион фунтдан ошиқроқ маош олар эди. Энди уларнинг ойлиги тўртдан бирга камаяди. Корпорация бош директори Марк Томпсоннинг таъкидлашича, маош билан бирга, 1200 та иш ўринлари ҳам қисқаради. Бу нохуш ҳолга жавобан корпорация касаба уюшмаси 3 ва 9 апрель кунлари икки кунлик иш ташлаш эълон қилмоқчи.

ГИЁҲВАНД МОДДА САҚЛАГАНИ УЧУН

Нигерияда гиёҳванд модда сақлашда айбланиб 114 ёшли чол ҳибсга олинди. AFP хабарига қарганда, унинг ҳовлисидан 100 қоп марихуанна топилган. Чол ҳозирча топилган наркотик моддага мутлақо алоқаси йўқлигини айтмоқда.

Ўтган йилнинг ёзида Нигерияда гиёҳванд моддалар сақланишига қарши амалиётлар ўтказилган ва рекорд миқдорда — 80 тонна, ноябрь ойидаги бошқа бир амалиёт чоғида эса 5923 қоп гиёҳванд модда топилган эди.

ТАФСИЛОТ

Сув сатҳининг кўтарилиши — глобал хавф

Шу йилнинг 6-18 март кунлари Дания пойтахти Копенгагенда табиатдаги глобал ўзгаришга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбирнинг ниҳоятда муҳимлигини шундан билиш мумкинки, унда дунёнинг турли давлатларидан келган 8000 нафардан кўпроқ эколог олимлар, табиатшунослар, журналистлар ва турли расмий доира вакиллари иштирок этди.



Маълумки, жорий йилнинг декабрь ойида дунё давлатлари раҳбарлари ҳам Дания пойтахтида ушбу масалани муҳокама қиладилар. Хабарларга қараганда, ушбу учрашувда Копенгаген протоколи — дунё давлатларининг глобал экологик сиёсатига доир ҳужжатлар пакети имзоланади. Бу пакет 2012 йилда фаолиятини тўхтатадиган Киото протоколи ўрнини босади. Конференция қатнашчилари дунё давлат раҳбарларининг бўлажак учрашувига тақдимномалар ишлаб чиқишди.

Глобал исиш туфайли океан ва тоғлардаги музлар эриб кетаётгани ҳақидаги ташвишли хабарларга негадир шу пайтгача инсоният эътиборсиз қараб келди. Натижада йирик табиий офатлар келиб чиқди. Сув тошқинлари, ер силкинишлари кўпайди. Булар ҳаммаси табиатга бўлган нотўғри муносабат, атмосферага жуда катта миқдорда чиқиндилар чиқарилаётгани натижаси эканини олимлар таъкидлашаётган бўлса-да, айрим йирик давлатлар раҳбарлари бу муаммога панжа орасидан қарашда давом этмоқда.

Конференция қатнашчиларининг таъкидлашларича, тезлик билан атмосферага, атроф-муҳитга чиқиндилар чиқаришнинг олди олинмаса, денгиз ва дарёларни ифлослантириш йўлига ғов қўйилмаса инсониятни бундан-да хавфлироқ хатарлар кутмоқда. Масалан, Reuters мухбири Колорадо штати университетининг Атроф-муҳитни тадқиқ қилиш бирлашган институти профессори Конрад Стеффананинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Аср охирига бориб дунёда сув сатҳининг кўтарилиши бир метрни ташкил этади. Бу эса денгиз бўйида жойлашган мамлакатлар учун улкан хавфдир».

Подстам иқлим ўзгаришининг таъсирини ўрганиш институти доктори Стефан Рамсторфнинг қайд этишича, сув сатҳи 75 сантиметрдан 190 сантиметргача кўтарилиши мумкин. The Independent газетаси эса бундан ҳам ваҳималироқ рақамларни келтиради. Буюк Британия ҳукумат комиссияси ҳисоботида айтилишича, денгиз сатҳи 2,7 метргача кўтарилиши мумкин.

Олимлар БМТ қошида 2007 йилда тузилган иқлим ўзгаришини ўрганиш ҳукуматлараро комиссияси ишидан қониқиш ҳосил қилишмаганини таъкидлашди. Комиссия олиб борган тадқиқотлари натижасида 2100 йилга келиб сув сатҳи бор-йўғи 59 сантиметр кўтарилиши мумкин деган хулосага келган эди. Аммо бугунги тадқиқотлар унинг аксини кўрсатди. Конференцияда иштирок этган АҚШ, Франция, Германия ва австралиялик олимлар аср охирига келиб инсониятни катта ҳалокатли сув тошқинлари кутаётганини яшириб ўтиришмади. Уларнинг тахминича, кўплаб ороллар, масалан, бугун курортлари билан дунёга машҳур бўлган Мальдив ороллари ҳам бутунлай сув тагида қолиши мумкин.

2007 йилги текширув чоғида мутахассислар қандай хатога йўл қўйишганди? Гап шундаки, сув сатҳи кўтарилишининг икки сабаби бор. Биринчиси, глобал исиш туфайли океанлардаги музларнинг эришидан сув сатҳининг кўтарилиши бўлса, иккинчи сабаб қуруқликдаги музларнинг эриши туфайли сув сатҳининг кўтарилишидир. Олимларнинг қайд этишича, океанлардаги музликлар аллақачон сув бетида сузиб юрибди. Улар энди унчалик катта хавф сололмайди. Энг катта хавф қуруқликдаги музларнинг эриб океанга қуйилишидан келиб чиқади. Маълумотларга қараганда, Испания тоғларидаги 90 фоиз музликлар эриб бўлган. Бошқа тоғлардаги музликлар ҳам тезлик билан эришда давом этмоқда. Олимлар аввалги текширув чоғида фақат океанлардаги музликларнинг эриш тезлигини ўрганишган, холос. Ваҳоланки, шимолий ва жанубий қутб яқинидаги оролларда жуда катта муз қатламлари бор.

Конференция қатнашчилари бу сафар Гренландия оролидаги музликларнинг аҳволини ўрганишга алоҳида эътибор қаратдилар. Дунёдаги музликларнинг 10 фоизи ушбу ҳудудда жойлашган. Оролдаги музликнинг умумий майдони 1,8 миллион квадрат километрни, музнинг қалинлиги эса айрим жойларда 3,4 километрни ташкил этади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳар йили Гренландиядаги музликларнинг 200-300 куб километри эриб бормоқда. Унинг бутунлай эриши дунё океани сатҳининг 7 метргача кўтарилишига олиб келади.

Конференцияда юқорида айтилган гапларга бутунлай қарама-қарши фикрлар ҳам билдирилди. Масалан, айрим олимларнинг айтишича, бунчалик хавотир олишга мутлақо асос йўқ. Бугун Гренландия оролидаги музликлар эриётган бўлса, ўн йилдан сўнг яна музлай бошлаши мумкин. Чунки Шимолий муз океанидаги музлар минг йиллардан буён эримасдан турибди-ку. Бундан ташқари, музликларнинг ҳолати кейинги 20-30 йилда жуда синчковлик билан ўрганилаяпти.

Нима бўлганда ҳам узоқ йиллар давомида табиатга бўлган шафқатсиз муносабат бугун инсониятнинг ўзини танг аҳволга солгани ҳақиқат. Глобал исиш, сув тошқинлари, цунами, сув сатҳининг кўтарилиши каби ҳалокатлар бизни хулоса чиқаришга ундаши керак.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТАЪЛИМ

Ўқувчиларимиздан фахрланамиз

Бугунги кунда республикамиздаги барча мактабларда минглаб ўқувчи-ёшлар илм-фан сирларини ўзлаштиришаётгани қувонарлидир. Қолаверса, илм масканларида дарсдан ташқари ўнлаб тўгараклар ишлаб тургани ҳам таҳсинга лойиқ. Энг муҳими, бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Туманимиз халқ таълими бўлимига қарашли мактабларда ҳам ёшлар сидқидилдан билим олиб, ўз дунёқараши ва маҳоратини ошириб боришмоқда. Хусусан, яқинда ўтказилган фан олимпиадаларининг туман босқичида 17 фандан 4500 нафар 9-11 синф ўқувчиларининг иштирок этгани ва улардан 50 нафари вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганини мамнуният билан қайд этиш мумкин.

Ўтган йили мактабларимизни битирган 400 нафарга яқин ёшлар мамлакатимиз ҳамда хориждаги олий билим даргоҳларида илм олишни давом эттирмоқдалар. 5 нафар ўқувчимиз эса Тошкентда ўтказилган Халқаро Менделеев олимпиадасида қатнашиб, имтиёзли ўринларни эгаллаб қайтишди. Бу туманимизда ёшларнинг таълим-тарбия олиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилганидан далолат беради. Айни пайтда фақат ўқувчилар эмас, балки ўқитувчиларимиз ҳам вилоят ва республика миқёсида ўз иш тажрибалари ҳамда билим даражалари билан танилиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, 1- ва 2-ихтисослашган мактаб-интернат ўқитувчилари Зебохон Исоқова ҳамда Сабохон Аҳмадалиевалар яқинда Япониянинг Осако шаҳрида ўтказилган «Таълим жараёнида ахборот технологияларини қўллаш» мавзусидаги Халқаро илмий анжуманда иштирок этишди. Шунингдек, Хитой Халқ Республикасининг Шанхай университетида бўлиб, малака орттириб қайтишди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ўтган йили ўтказилган педагогик грантлар танловида 18-, 28-ўрта умумтаълим мактаблари ва 2-ихтисослашган мактаб-интернатининг бошланғич таълим ҳамда инглиз тили ўқитувчилари Саидахон Давлатова, Алфия Давлеканова ва Сабохон Аҳмадалиевалар ғолиб бўлишиб, диплом ва пул мукофотларини қўлга киритди. Уларнинг иш тажрибалари жамғарма томонидан республика миқёсида оммалаштирилмоқда.

Ўқувчи ёшлардаги иқтидорни ривожлантиришда спортнинг ўрни муҳим. Яқинда 12-ўрта умумтаълим мактабининг ўқувчиси Зикрилло Маматқулов енгил атлетика бўйича Тошкентда ўтказилган Халқаро чемпионатда қатнашиб, Осиё чемпиони бўлгани ҳақидаги хушхабарни олдик. Бу барчамизни ғурурлантириб юборди, албатта. 32- ўрта умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчилари Гулзода Тўраҳонова ва Нодирабегим Парпиеваларнинг номлари ҳам бугун бутун мамлакатда таниқли. Сабаби улар шахмат бўйича республика чемпионатларида мунтазам юқори ўринларни эгаллаб келишмоқда. Нодирабегим шу йил Францияда болалар шахмати бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Мактабларимизда ўсмир болалар ва қизлар ўртасида енгил атлетика, теннис, гимнастика, миллий кураш турлари, футбол ҳамда волейбол бўйича ҳам доимий машғулотлар олиб борилади. Ёшлар туман ва вилоят мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб, ўз маҳоратларини ошириб боришмоқда. Бу ўзгаришлар, энг аввало, мустақиллигимиз шарофати ва Юртбошимизнинг ёш авлод истиқболи учун кўрсатаётган ғамхўрликлари шарофатидандир.

Аҳаджон ҚОДИРОВ,
Учқўприк туман халқ таълими бўлими мудири. ®

Ибн Сино фалсафаси



Юртбошимиз истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ маънавиятни юксалтиришда тарихий хотира, аждодлар тарихини билишнинг, миллий ва ахлоқий қадриятлар ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти катта эканини такрор-такрор эслатиб ўтган. Шу боис кўплаб Шарқ алломаларининг юзлаб нодир ва ноёб асарлари ўзбек, инглиз, француз, немис, япон ва бошқа хорижий тилларда нашр этилди. ЮНЕСКО ҳомийлигида Шарқ маданияти, санъати ва тарихига бағишланган дисклар чиқарилди.

Ўз асарлари билан Мовароуннаҳр диёрини дунёга танитган қомусий олим Абу Али ибн Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино (980-1037) Шарқ халқлари орасида "Шарафул-мулк" ва "Шайх ур-раис" каби мартабали унвонга сазовор бўлган буюк шахс ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, бизгача алломанинг 242 та асари етиб келган. Улардан 80 таси фалсафа, илоҳиёт соҳаси ва тасаввуф таълимоти, 40 таси тиббиёт, 19 таси мантиқ, 26 таси психология (руҳшунослик), 23 таси табиатшунослик, 7 таси астрономия, 1 таси математика, 2 таси алхимия, 9 таси ахлоқ-одоб, 4 таси адабиёт ва 8 таси эса олимлар билан илм-фаннинг турли муаммоларига тааллуқли ёзишмалардир.

Аллома яратган асарлар жаҳон халқларининг мулкига айланди. Унинг "Тиб қонунлари", ўн саккиз жилддан иборат "Китоб аш-шифо", "Китоб ан-нажот", "Руҳ ҳақида китоб", "Ишорат ва Танбиҳат", "Курозаи табиат", "(Табиат дурдонаси)", "Рисолаи тадбири Манзин" ("Оилавий бахт-саодатга эришиш тадбири ҳақида рисола") ва қатор бошқа асарлари асрлар давомида турли соҳа мутахассисларининг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келаётгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Илм билан хулқ-атвор, саъй-ҳаракатларнинг ўзаро бирлиги инсоний донишмандлик, комил инсон даражасига элтади. Олимнинг "Тадбири манзил" рисоласида инсон табиати азалдан ахлоқли ёки ахлоқсиз бўлмайди, деган ғоя мавжуд. Кишидаги хусусиятлар ижтимоий ҳаётда секин-аста шахсий ва ўзгалар тажрибаси, аждодлар анъаналари, урф-одатлар, расм-русумлар, таълим-тарбия, ўзгаларнинг маънавий-ахлоқий таъсирида ўзида ижобий ахлоқий фазилатлар, хислатларни шакллантиради ёки ўзида мавжуд салбий майллар сабабли худбин кайфиятларга берилади.

"Тадбири манзил" рисоласи бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Оммавий ахборот воситалари Шарқ алломаларининг такрорланмас нодир асарларидан намуналарни, таълим-тарбия бобидаги яхши хулқ, маънавий баркамоллик сирлари каби мавзуларни мунтазам ёритиб берсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

МЕРОС

Қомусий олимимиз ўзининг "Қуш ҳикояти"да "Эй ҳақиқий биродарлар! Одамларнинг ботири келажакдаги мушкулотдан қўрқмайди. Камолга етишдан четланган киши одамларнинг энг қўрқоғидир", — деб ёзади. (Фалсафий қиссалар 1980. 72-бет). Шунингдек, аллома инсон ахлоқий камолотининг чексиз имкониятларига комил ишонч билан қарайди. Лекин унинг рўёбга чиқиши инсон ва жамиятнинг реал имкониятларига боғлиқдир, дейди. Кимки ўз камчиликларини ислоҳ қилишни, комил инсон (инсон ул-комил) даражасига етишни дилдан истаса, ўз характерига хос салбий сифатларни яхши билиб олиши зарур, деган фикрни билдиради.

Ибн Синонинг дурдона асарларида инсоний ахлоқий қиёфанинг шаклланишида кўп маъно, ҳикматлар, дидактик ҳикоялар, доно маслаҳатлар, ўгитларидаги саховатпешалик, олижаноблик, ватанпарварлик ҳисси ҳақидаги маслаҳатлар бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас.

Яна бир фикрни айтишни лозим, деб ҳисоблаймиз. Абу Али ибн Сино ижтимоий-фалсафий жиҳатдан биринчилардан бўлиб аёлларнинг бола тарбиясидаги ўрнига эътибор берган. У оилада эр-хотин ўртасидаги ўзаро ҳурмат-иззат, бамаслаҳат иш тутиш, самимий оилавий муносабатлар таълим-тарбия самарадорлигининг асосий негизидир, деган хулосага келади.

Шу билан бирга, аллома ўн етти хислат-фазилатлар соҳибаси бўлган аёлни идеал мураббий деб ҳисоблайди. Уларга аёлнинг оқила ва иймон-эътиқодли, шарм-ҳаёли, ор-номусли, зийрак ва фаросатли, ёқимтой, эрга меҳру муҳаббатли, итоаткорлиги, дилининг поклиги, эринниг орқасидан ғийбат қилмаслиги, покизалиги, вазминлиги, жиддий ва улуғворлиги, оғир дамларда турмуш ўртоғига дардкаш бўла олиши, меҳрибонлиги, сабр-қаноатлилиги каби фазилатларни киритади.

Абу Али ибн Сино дунёқарашидаги баъзи ижтимоий ахлоқий муаммоларнинг таҳлилидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: қомусий олим ўзи яшаб, ижод этган тарихий давр шароитида Арасту ижтимоий-фалсафий анъаналарини араб мутафаккири Исҳоқ ал-Киндий ва Абу Наср Фаробийдан кейин собитқадам давом эттирган тадқиқотчидир.

Ибн Синонинг ижтимоий-ахлоқий қарашларида Абу Наср Фаробийнинг маънавий таъсири сезилиб турса-да, муайян тарихий-сиёсий шароитларга ўз фикрини билдирди, дейиш мумкин. Мутафаккир олим шароитдан келиб чиқиб, ахлоқ-одоб соҳасининг жиҳатларига эътиборини жалб қилди. Масалан, ўз асарларида олдиндан шаклланган илм ва ахлоқ-одоб уйғунлиги масаласини етакчи мавзуга айлантирди.

Қадимги мутафаккирлар, Афлотун ва Арасту ўсиб келаётган авлод таълим-тарбиясини давлат зиммасига юклаган бўлса, Ибн Сино бу вазифа биринчи галда оилага тааллуқли эканини асослаб беришга уринади. У жаҳон педагогикаси тарихида биринчилардан бўлиб фарзанд тарбиясида оқила аёл кишининг салоҳиятини кўтариш зарур эканига алоҳида эътибор қаратган эди.

Азизахон ЗАЙНИТДИНОВА,
шарқшунос олима.

Очиқ акциядорлик тижорат банк "Пахтабанк"нинг Жиззах вилоят бошқармаси жамоаси

мамлакатимиз аҳолисини қадимий ва халқимизнинг азалий урф-одатларини ўзида мужассамлаштирган Наврўзи айём билан қутлайди. Барчага шу қутлуғ кунларда соғлик-саломатлик, узоқ умр тилаб, кўнглидаги эзгу ниятлари ижобат бўлишини тилайди.

БУ ШУНДАЙ БЎЛГАН ЭДИ

Икки телеасар тақдири

Бугунги кунда бирор ёзувчи йўққи, ўз асарини телетомошабинлар эътиборига ҳавола этишни истамаса. Бундан 20-25 йил аввал аксинча, ёзувчилар орасида "асар телепостановка қилинса, китобхонларнинг унга қизиқиши сусаяди" деган гаплар юрарди. Аслида "ойнаи жаҳон" бадиий асарнинг оммавий тарғиботчиси ҳисобланади. Асар телевизорда намойиш этилгандан кейин унинг ўқувчилари юз, ҳатто минг баробар ортар, китобга қизиқиш кўпаяр экан. Албатта, бунинг учун видеофильм юксак дид ва катта маҳорат билан ишланмоғи лозим. Асарнинг муваффақияти хоҳ кино, хоҳ театр, хоҳ телевизорда бўлсин, биринчи навбатда режиссёрга, унинг диди ва маҳоратига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Мақсуд Юнусов 1987 йили ёзувчи Турғун Пўлат қиссаси асосида "Ичкуёв" видеофильмини яратди. Тўрт қисмдан иборат ушбу видеофильмни томошабинлар илиқ кутиб олишди. "Ичкуёв" қиссаси турғунлик йиллари кирдикорларини дадил фош қилган асарлардан бири эди. Шунинг учун ҳам режиссёр М.Юнусов унга алоҳида меҳр билан ёндашди. У сценарий ёзиш жараёнида айрим эпизодларни кучайтирди, баъзи жойларини қисқартирди. Қаҳрамонлар портретига қўшимча чизгилар қўшди. Видеофильмнинг яратилиш тарихи ҳақида режиссёр шундай ҳикоя қилади:

— Ҳозиргача кўпчилик мухлислар фильм сценарийсини адиб билан ҳамкорликда ёзганмисиз, деган саволни беришади. Афсуски, сценарийни муаллифга бир кўрсатиб олиш ҳам армон бўлиб қолган. Бир куни драматург Ҳайитмат Расул "Шарқ юлдузи" журналида босилган "Ичкуёв" қиссасини ўқидингизми, деб сўраб қолди. Мен ҳали ўқимаганимни айтдим. Кўп ўтмай қисса китоб ҳолида нашр қилинди. Асарни диққат билан ўқиб чиқдим. Очиғи менга жуда маъқул бўлди.

Бир куни қўшним — шоир Юсуф Шомансур мени номзодлик диссертацияси ёқлагани муносабати билан берилаётган зиёфатга таклиф қилди. У ерга кўзга кўринган зиёлилар йиғилган экан. Даврада Умарали Норматов, Раҳматилла Иноғомов, Эркин Воҳидовларни кўрдим. Базм пайтида Раҳматилла Иноғомов қулоғимга секин шивирлади: "Ичкуёв"ни ўқиб мақтаган эдингиз, шу асар муаллифини кўрганмисиз? Мен учрашмаганимни айтдим. Шунда Раҳматилла "...бошингизни кўтариб қарасангиз, рўпарангизда ўтирган одам Турғун Пўлат бўлади", — деди. Қарасам, қаршимда узун бўйли, гавдали, қорачадан келган одам ўтирган экан. У кишининг нигоҳи ҳамон кўз олдимдан кетмайди. Кўнглимда унинг ёнига бориб кўришиш истаги пайдо бўлди-ю, лекин одамлар кўплигидан безовта қилгим келмади. Раҳматилла Иноғомовдан базмдан сўнг бизни таништиришини илтимос қилдим. Раҳматли, таниқли олим Очил Тоғаев билан бир маҳаллада яшар эдик. Базм тугагач, қўшним машинасида бирга қайтишни таклиф қилиб қолди. Ярим йўлга келганимда, мен Турғун Пўлат билан танишмоқчи бўлганим ёдимга тушиб, О. Тоғаевга бу ҳақда гап очдим. «Агар хоҳласангиз, мен сизни эртагаёқ таништириб қўяман», деди у.

Ишлар кўплигидан учрашув орқага сурилаверди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Турғун Пўлат оламдан ўтгани ҳақидаги хабарни эшитиб, хафа бўлиб кетдим. Шундан сўнг Умарали Норматовдан айрим маслаҳатлар олиб, "Ичкуёв" сценарийси устида ишлашга ўтирдим. Лекин сценарий муҳокамасида Ҳ.Расулдан бошқа барча кенгаш аъзолари унга қарши чиқишди. Бири "мен ҳеч нарсага тушунмадим" деса, бошқаси "асар совет тузумига тўғри келмайди" дейишди. Шу билан видеофильм ҳақидаги ишлар тўхтаб қолди...

Умуман, у пайтларда хоҳ фильм, хоҳ бошқа бир санъат асарида бўлсин, ҳақиқатни

Бобур видеофильми муҳокамаси

олиб чиқиш осон кечмасди. Сценарий ғаладонда анча ётди. Ўша кезлари ўйлардим: оддий бир сценарий шунча ётибди, китоб қўлёзма ҳолида қанча турар экан.

Сценарийни Ёзувчилар уюшмасига топширдиим. Бир куни мени ўша пайтда уюшма раисининг биринчи ўринбосари бўлган Ўктам Усмонов чақириб, "Сценарийни жиддий ўқиб чиқдим. Уни бемалол видеофильм қилсангиз бўлади. Мана уюшманинг қарори. Бошлиқларингизга кўрсатинг», — деди. Бу орада телевидение раҳбари алмашиб, сценарий яна иккиуч йил қолиб кетди. 1988 йили раис ва унинг ўринбосари янгиланди. Кўп ўтмай раис "Ичкуёв"га оид ҳужжатларни сўради. Танишиб чиққач, «Сиз менга фильм ижодкорлари ва бош роль ижрочилари рўйхатини тузиб келинг, ишни бошлаш тўғрисида буйруқ чиқараман», — деди.

Тўрт қисмдан иборат видеофильмни тўлиқ тасвирга олиб, монтаж қилгунча орадан яна бир йилча вақт ўтди. Видеофильм эфирга кетгач, жуда кўп хатлар келди, матбуотда ҳам бир неча ижобий тақризлар эълон қилинди. Фильмнинг бундай шов-шувларга эришишига асосий сабаб, асар қаҳрамонининг кечинмалари, алам ва қувончлари ошкора ва ишонарли тасвирланганида, деб ўйлайман. Ўз бошидан қора кунларни ўтказган ушбу видеофильм шу тариқа ёруғ кунларга етиб келганди. Орадан кўп ўтмай унинг ижодкорлари Давлат мукофотига тақдим этилди. Бу мукофотга актёр Ёдгор Саъдиев, тасвирчи Тўлқин Қурбонов ва менинг номзодим кўрсатилганди. Бир куни Давлат мукофоти бўйича масъул Пиримқул Қодиров телефон қилиб, мукофотга фильм ижодкорларидан тўртта номзод кўрсатилиши шарт эканини эслатди. Мен шунда кўнглимдаги армонимни унга айтдим. Тўртинчи номзодга асар муаллифи — марҳум Турғун Пўлатни қўйсак, қандай бўларкин? — деб сўрадим. Пиримқул ака бу таклифдан хурсанд бўлиб, раҳмат сизга, жуда яхши таклиф, Турғун Пўлат бу мукофотга жудаям муносиб, дедилар. Шунда мен муаллиф олдидаги қарзимдан бироз қутулгандай енгил тортдим.

Турғунлик йилларида тарихий шахсларни мураккаблиги билан акс эттирган заҳматкаш қалам соҳибларидан бири Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировдир. У шўро даври бўлишига қарамай «Юлдузли тунлар»дек асарни яратишга муваффақ бўлди. Ушбу роман асосида Бобур видеофильмини яратган ижодкорларни ҳам жасоратли деб айтишга тўла ҳақлимиз. Сабаби, 1984 йилда бошланган иш орадан 6 йил ўтиб, яъни 1990 йилнинг охирида ўз ниҳоясига етди.

— 1984 йили буюк бобокалонимиз Бобурга бўлган меҳрим туфайли Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романи асосида сценарий яратдим, — дея ҳикоя қилади таниқли режиссёр Мақсуд Юнусов. — Доимий ҳамкорим иқтидорли рассом Саидакмал Расулов фильмга ажойиб безаклар ишлади. Бу орада Марказқўмнинг мафкура бўйича котиби телевидениега ташриф буюрадиган бўлиб қолди. Телемарказ студияларини айланаётиб, тасодифан видеофильмга ишланган декорацияларга кўзи тушиб қолади. Тезда мени ёнига чорлаб дабдурустдан сўроқ қила бошлади:

— "Навоий"ни қўйган ҳам сизми? Нега ҳамма қаҳрамонларга чопон кийдириб, салла ўратасиз. Биринчидан Бобур босқинчи ва қонхўр шахс. Сизга ким рухсат берди унинг образини яратишга. Бобурга оид барча ишларингизни тўхтатинг. Телемарказ директорига барча эскизларни ёқиб юборишни топширди. Рассом иккимизнинг икки ойлик маошимиз ҳисобидан харажатлар сарфи қопланадиган бўлди. Орадан тўрт йил ўтди. 1988 йили телерадиокомпанияга Наим Ғойибов раис бўлиб келди. Кунлардан бир куни у киши Бобур ҳақидаги ишимиз билан қизиқиб қолди. Унинг топшириғига кўра яшириб қўйган сценарий матнини олиб келиб бердим. Бир ҳафтадан сўнг махсус буйруқ асосида ишни давом эттиришимизга рухсат берилди. Суратга олиш жараёни Қўқон, Қозоғистондаги Жамбул, шунингдек, Бобурнинг Ўшдаги ҳужрасида, қолган қисмлари Қора денгиз бўйларида давом эттирилди. Аслида Бобур ролини Ёдгор Саъдиев ижро этиши лозим эди. У қандайдир зарур иш билан банд бўлиб "синов"га келолмади. Бобурни ўйнаш бахти ўша пайтда Сурхондарё вилоят театридан эндигина пойтахтга келган иқтидорли актёр Муҳаммадали Абдуқундузовга насиб этди.

— Тўғрисини айтсам, бундай бўлишини тасаввур ҳам қила олмасдим, — дея хотирлайди М. Абдуқундузов. — Отам Фарғонанинг Яйпанида чойхоначи бўлиб ишларди. Азалдан чойхона маърифат, маданият маскани ҳисобланган. Тез-тез у ерда шоиру санъаткорлар гурунги бўлиб турарди. Мен уларга чой ташиб, хизмат қилардим. Чойхона деворларида бир нечта улуғ алломаларнинг суратлари осиғлиқ турарди. Улар орасида Бобурнинг сурати ҳам бўлиб, у мени ўзига кўпроқ ром этарди. Нега шундайлигини ҳозир ҳам билмайман. Мен ҳар гал суратнинг олдидан бефарқ ўтолмасдим. Шу боис отамдан бир неча бор танбеҳ ҳам эшитганман.

Театр, кино санъати аввало режиссёр таланти, маҳорати, унинг ўткир нигоҳидан нурланади. "Бобур"даги маҳоратимни биринчи навбатда Давлат мукофоти соҳиби, Республика санъат арбоби Мақсуд Юнусовнинг хизмати деб биламан.

Ҳар гал Бобур қиёфасида чиқар эканман, шоирнинг юртидан кетиб қолиши биз учун улкан йўқотиш бўлганини юракдан ҳис қиламан. Зеро, Бобур билан катта маданият ва санъатимиз Ҳиндистонга кетди. Агар кетмаганда Ҳинд диёридаги обод шаҳарлар, муҳташам кошоналар, Тож Маҳалдек дунёга машҳур обидалар кўҳна Туронда бунёд этилармиди?

Бобур сиймосини яратиш осон кечмади. Аввало унинг пирикомили Амир Темур руҳидан мадад тиладим. Биринчи эпизодни суратга олиш 1989 йил 4 январда белгиланганди. Эрта тонгдан Гўри Амирга бордим. Аввал қабрни зиёрат қилдим. Яхши билардимки, ҳазратнинг хилхоналари ертўлада жойлашган. Улуғ иш қилаётганимизни айтиб у ерга тушиш учун рухсат сўрадим. Рози бўлишди. Беш дақиқа ёлғиз ўзим Амир Темурнинг қабрини зиёрат қилдим. Қуръон тиловат қилдим.

Видеофильмни суратга олиш жараёнида улуғларнинг руҳлари ижодий гуруҳга мададкор бўлди, назаримда. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Видеофильм эфирга кетгач, турли вилоят ва давлатлардан юзлаб хатлар олдик. Ҳис-ҳаяжон, севинч, миннатдорчилик билан битилган мактублар видеофильм ижодкорларига кўтаринки руҳ бағишлади.

Хуллас, XX асрда театр, кино, телевидение, радио соҳасида ҳам ўнлаб иқтидорлар кашф этилди. Шулар сафида истеъдодли режиссёр Мақсуд Юнусов ҳам бор.

Ўрол ЎТАЕВ

ШЕЪРИЯТ

Муҳаббатда чақноқ эдик биз



Номоз САЪДУЛЛАЕВ

ОНА

Чироқнинг нурига яқинроқ тутиб,
Игнанинг кўзини излар кўзлари.
Уйининг тўрида куёвин кутиб,
Кўксига сиғмайди туйғу ҳислари.
Истаги... тўй куни куёви гулдор,
Дастурхон устида ўтирса мағрур.
Эл ичра топиниб обрў-эътибор,
Одамлар иззатин қилса бир умр.

* * *

Бўлғуси набира учун қайнона,
Жажжи тўн бичмоқда минг ният билан.
Шоҳидан қийиқча тикиб тўёна,
Кўйлакча тикмоқда ҳамият билан.
Қариган чоғида игнага ипни,
Ўтказган кўзлари зиёга тўлгай.
Набира кўйлаклик кийгузгунча то,
Орзуси бир умр зиёда бўлгай!

ЭСИНГДАМИ?

Васлимизга чанқоқ эдик — биз,
Муҳаббатда чақноқ эдик — биз,
Бамисоли чақмоқ эдик — биз,
Эсингдами?
Менинг эсимда...
Бир шайтоннинг учиб макрига,
Ҳу, куз чоғи йўлдан қайрилиб,
Кетган эдинг мендан айрилиб,
Эсингдами?
Менинг эсимда...
Тинчитмасди "қайтгил" деб хатлар,
Ёниб сўйлаб вафодан байтлар,
Бахт қуварди сени у пайтлар,
Эсингдами?
Менинг эсимда...
Букун уни қувиб эрта-кеч,
Етолмайсан, етолмайсан, ҳеч!

"ЖАНГОВАР ШУҲРАТ" МУЗЕЙИДА

Доим гавжум бу муқаддас жой,
Келиб турар одам ёғилиб.
Тўрт фасл ҳам узилмасдан пой,
Келишади гўё соғиниб.

Ҳаммаси ҳам эҳтиром сақлаб,
Сукут билан тургайлар бир зум.
Борлиғини юртга бағишлаб,
Ўтганларга қилади таъзим.

Ёдга солиб оғир йилларни,
Баъзилари ёш олар кўзга.
Эслагандай оғриб диллари,
Келмай қолур тиллари сўзга.

Ёзув тўла "Хотира дафтар",
Ҳар вараги мангу бир достон.
Ёзиб кетган энг яхши дўстлар,
Ҳар бирида меҳр, ҳаяжон...

Жуда кўпдир битиклар унда,
Турли тилда, турлича дастхат.
Аммо бари бир хил мазмунда,
Шарафлаган шаҳидларни бот.

СУРАТ

Песков олган суратни кўриб

...Ўтлоқзор қўйнида занглаган каска,
Эслатар бу ерда уруш бўлганин.
Тўнкариб қўйибди кимдир тескари
У оғир йилларни эслаб, кўрганин...
Сен унинг устига чизиб кабутар,
Буюк бир маънони илғаб олибсан.
Адолат урушни енган ҳар сафар! —
Дейилган мантиқни куйга солибсан.
...Занг босган касканинг устида мағрур,
Эл қуши — кабутар қўниб турибди.
У кўмиб ташланган бутун умрга —
Уруш ва қирғинга рамз бўлибди.

ЧИРМОВУҚ

(...га)

Экин-тикин,
ўт-у, ўлан,
шохларга ҳарчанд,
Чирмашганча ўрмалади
бадбахт чирмовуқ.
Қанча юксак баландликка
чиқса-да гарчанд,
Бўлолмади гул-у, гултож,
қолди у ёвуқ...

Минғир-минғир,
пичир-пичир,
бачки одам ҳам,
Мартабалар зинасидан
ўтди неча бор...

Қачон,
қандай
лавозимда бўлмасин ҳардам,
Ўша минғир,
ўша пичир
юз берди такрор...

Ҳақ гап экан —
қартаясан,
қарийсан охир
келурсан-ей,
қайтиб яна ўзинг аслингга.
Томирингда ҳасад тўла
кўпириб кир-чир,
Қайтарсан-ей,
Яна ўзинг асл наслингга...

Бул ривоят исботига ҳазрат Навоий:
«Эшак бирла хўтик —
қанча қилма тарбият,
Ит бўлур, эшак бўлур,
бўлмас асло одамий»
дея берган ҳақгўйларга
панду насиҳат!

* * *

У ҳаммадан илгарилаб юрмоқчи бўлди,
Қаторларда энг биринчи
турмоқчи бўлди,
Одамларга эзмаланиб билса-билмаса,
Панд-насиҳат,
одоб-ахлоқ бермоқчи бўлди...

Оғирликни зиммангга ол,
деганда, номард —
Жуфтак ростлаб,
қаёнгадир сурмоқчи бўлди.

МАДАНИЯТ

Баҳор қайтаверади...

(Бошланиши 1-бетда.)

Беғубор яйлов... Қишлоқдошлар Наврўзни ҳар гал шу ерда кутиб олишади. Атроф ям-яшил. Қотмадан келган, мўйлаби ўзига ярашган қишлоқ оқсоқоли халқни бир жойга йиғди. Чоллардан фотиҳа олиб, Наврўзни бошлаб берди. Дастлаб кураш ўтказиладиган бўлди. Оқсоқол: "Курашни Алимов домла олиб боради", деди. Эл норози бўлди. Баъзилар этагини қоқиб кетмоқчи-да бўлди. Чунки Алимов курашни "замонавий" бошқаради. Бундай олишиш полвонларни сустқаш ва ялқов қилиб қўяди. Шу боис бир тўхтамга келишишди: даврани Салоҳиддин полвон бошқарадиган бўлди. Курашни Ҳасан бобо билан Турдиқул бобо бошлаб берди. Катталарни хафа қилиб бўлмайди. Уларнинг фотиҳасини олган эл кўкаради.

Кураш қизигандан қизиди. Даврага қишлоқнинг сара йигитлари — Кўр полвон билан Абжир полвон чиқди. Аслида бу икки полвоннинг исми бошқа. Халқ уларга кураш тутишига қараб лақаб қўйган. Адҳам полвонни рақибининг кўзига қарамай курашгани учун "Кўр" дейишади. Ойбек полвон эса қаршисидаги одамни бир уринишда йиқитишга ҳаракат қилгани учун "Абжир" деган ном олган. Баковул ҳам элга уларнинг номини билдириш ўрнига лақабини айтиб қўя қолди.

Боядан бери бетартиб турган оломон бирпасда тинчиди-қолди. Ёш-у, қари бирдай илҳақ бўлиб икки полвоннинг олишувига кўз тикди. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки ким бу курашда ғолиб бўлса, у бир нечта қишлоқлар ўртасида ўтказиладиган курашга боради. Элининг, қишлоғининг ори учун олишади. Ниҳоят кураш бошланди. Қани бугун ким ғолиб бўлар экан? Ҳамманинг фикр-у, хаёлида ана шу савол.

* * *

Яйловнинг бошқа бир томонида ёш болали аёллар-у, момолар кўрпачаларини айланасига ташлаб, устига ўтириб давра ясаб олишган. Уларнинг орқасидан куй-қўшиққа иштиёқманд бўз йигитлар-у, байрамона кийинган қизлар тик туришган. Бу ердагилар давра бошида Наврўз байрамининг тарихи ҳақида сўзлаб бераётган Қутбиддин домлани тинглашаяпти. Домланинг айтишича, Беруний бобомиз бу айёмнинг пайдо бўлишини қуйидагича баён этган экан:

"Фарвардин моҳ(ёз ойи)нинг биринчи куни Наврўздир. Наврўз янги йилнинг биринчи куни бўлиб, унинг форсча номи ҳам шу маъонони англатади. Наврўз эронликлар зижлари бўйича ўтмиш замонларда, улар йилларини кабисали қилган вақтларида Қуёшнинг Саратон буржига кириш пайтига тўғри келган. Сўнгра орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунича давом этадиган вақтда келади".

* * *

Тўқсон учга кирган Эшонқул бобога набираси кураш қизиётганини айтиб кетгач, у "Ё, пирим!" деб ўрнидан турди-да, ҳассасини белига тираб, кураш давраси томон одимлай бошлади. Бобо ҳам бир пайтлар зўр полвон бўлган дейишади.

Мана, орадан бир соат ўтса-да, Кўр полвон ва Абжир полвоннинг қай бири ғолиблиги аниқланганича йўқ. Аслида куч ва имкониятлари тенг бўлган полвонларнинг олишуви доим уз-о-о-қ чўзилади. Бундай кураш баъзида икки соатлаб давом этиши мумкин. Бу эса элни бироз зериктиради. Бугун ҳам шундай бўлди. Шу боис даврага қарата турли гаплар айтилди:



— Баковул бува, энди навбатни бошқаларга ҳам беринг-да!

— Икковиям олишишни эплолмайди. Эртага элни шарманда қилади!

— Йиқитадиган одам шу пайтгача йиқитарди-да!

Бу гаплардан кейин полвонлар озгина жонлангандек бўлди. Бири қўйиб бири рақибини давра бурчагига тиқиб бораверди. Лекин бундан ҳам ҳеч қандай натижа чиқмади. Эл бўлса таъна-дашномни тўхтатай демайди. Ҳар бир гап полвонларнинг юрак-юрагини тешиб ўтади. Бундан Абжир полвоннинг жаҳли чиқди. Энди у ўйламасдан рақиб олдига бостириб борди. Охир-оқибат кўкрагини рақибига бериб қўйди. Кўр полвон эса вазиятдан фойдаланиб, унинг ёқасидан қўшқўллаб ушлади. Кейин оёғида тик туриб, Абжир полвонни яғринига олди-да, кўтариб, ерга урди.

— Ҳа-а-л-о-о-о-л!!!

Халойиқнинг бу ҳайқириғи бутун яйловни ларзага келтирди. Кўр полвон икки қўлини баланд кўтариб, даврани айланди. Абжир эса ерга чўккалаб ўтирганча баковулга умид билан боқди. Боиси, ҳаммасини у ҳал қилади. Эл оғзига келганини гапиравераверади-да. Боядан бери ҳалол деб бақираётган оломон ҳам баковулнинг оғзига қулоқ тутди. Ҳамма бирдек жимиб қолди.

— Кураш давом этади! — деди у. Кейин кўзларини ердан узмасдан давра ўртасига келди. Полвонларни имлаб олдига чақирди. "Қайтадан олишинглар", деди бироздан кейин. Абжир шуни кутиб турган эканми, дарров унинг ёнига келиб рақибини кутиб турди. Ҳамма ҳайрон. Баковулнинг бу қарорини ҳеч ким тушунмади. Кўр полвон ҳалол йиқитганини ҳамма қатори у ҳам кўрди-ку. Яна бундай йўл тутишининг сабаби нимада? Бундан одамларнинг жаҳли чиқди.

— Ҳалол йиқитди-ку, бу қанақаси?! Зотини беринг, — дейишди одамлар.

Кўр полвон уларнинг кўзига қаради. Йиғилганларнинг қарашларидан "Сен ғолиб-сан!" деган маънони уқди. Қолаверса, унинг ўзи ҳам буни ич-ичидан ҳис қилди. Кейин белида боғлоғлиқ турган оқ рўмолни ечиб, даврани ўртасига ташлади. Бу "Мен йиқилдим", дегани эди.

* * *

Эшонқул бобонинг ҳафсаласи пир бўлди... Бобо қишлоқ чолларининг гурунгига қўшилди. Уларнинг гап-сўзларини эшита туриб, Наврўз айёмига боғлиқ хотиралари ёдига тушди. Бундан уч-тўрт йил олдин пойтахтда ўқийдиган набираси бир китоб олиб келган эди. Тоғай Мурод деган ёзувчининг "Ойдинда юрган одамлар" китобини. Бобо ўша китобда ўқиганларини эслай кетди. Унда битилишича, халқимиз узоқ кузатувларга таяниб, Наврўз байрамини ҳафтанинг қайси кунига тўғри келишига қараб, ўша йил қандай келишини башорат қилишади. Масалан, Наврўз душанба кунига тўғри келса, йил яхши келади, деб ҳисоблашади. Камчилиги фақат ўша йили буғдой бироз танқис бўлади. Агар сешанба куни келса, эл-у, юртда тўкин-сочинлик бўлиб, мева-чева, ҳар хил ноз-неъматлар мўл бўлади. Эрта экилган экинлар яхши ҳосил беради. Ёғин-сочин кам ёғса-да, йил охирида сел келиши мумкин. Наврўз чоршанба кунида келса-чи? Ўша йили бироз қимматчилик бўлади. Наврўз пайшанбада келар бўлса, эл-у юртда касаллик кўпаяди. Яна бир жиҳати ўша йили ой билан кун тутилиши ҳам кузатилган. Муборак жума куни Наврўз келса, йил яхши келиб, ёмғир мўл-кўл бўлади. Бошоқли экинлар яхши ҳосил беради. Фақат қиши қаттиқ келиши эҳтимолдан холи эмас. Агар шанба куни келар бўлса, ёмғир кўп ёғиб, тўкин-сочинлик бўлади. Агар ҳафтанинг якшанбасида келар бўлса, одамлар орасида бир-бирига ёмонлик, фисқ-фасод кам бўлади. Ўлимлар сони ҳам қисқаради.

Юқорида билдирилган фикрлар халқимизда бир неча минг йиллардан бери оғиздан-оғизга ўтиб келаётган қарашлардир. Уларнинг ҳаммасини тўғри дея олмаганимиз каби афсона дейиш ҳам нотўғри, албатта. Лекин Наврўзнинг қайси кунда келишига қараб, юқоридаги фикрларда собит туриш ҳам мақбул эмас. Бу айём халқимизнинг қон-қонига шунчалар сингиб кетганки, ҳар бир севинч-у, ташвишларини шу кун билан боғлайди.

Эшонқул бобо шулар ҳақида ўйлар экан, бу қадри баланд байрамнинг умрбоқий бўлишига ич-ичидан ишонди.

* * *

Мана, кураш ҳам адоқлади. Ҳаётда тез-тез учрайдиган ғирромликлар кураш майдонида ҳам бўлиб туради. Бугунги курашда ҳам шундай бўлди. Баковул — Салоҳиддин полвон бу сафар полвонларга ярашмайдиган иш қилди. Баъзи одамлар ҳализамон курашда бўлган воқеани эсдан чиқариб, ўйин-кулгуни бошлаб юборди. Қишлоқ ошпазлари ошни сузишди. Дастурхонга сумалак, кўк сомса... ва шунга ўхшаш баҳорий таомлар тортилди. Айрим кишилар аччиқ-аччиқ чой ичиб, у ёқ-бу ёқдан гурунглашиб ўтиришди. Овқатни шошиб-пишиб еган болалар эса чопганича чиллик ўйнагани адир ёқалаб кетди.

... Айни шу лаҳзаларда Кўр полвон одамлардан анча узоқда дўмбира чертиб ўтирарди. Дўмбирадан таралаётган куйда "Наврўз яна келади, баҳор қайтаверади, у менга ҳали кўп имкон беради. Келаси йил, албатта ғолиб бўламан!" деган маъно бор эди.

Ситора ТОЖИДДИНОВА

СПОРТ

ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов 2010 йилги Жаҳон чемпионатининг 4-саралаш босқичи доирасида 28 март куни Тошкентда Қатар терма жамоасига ва 1 апрель куни меҳмонда Австралия термасига қарши кечадиган ўйинлар олдидан бўладиган ўқув-машғулот йиғинига 27 футболчини жалб этди.

Бу сафар таркибда бир қатор ўзгаришлар юз берганини кўришимиз мумкин. Жумладан, "Пахтакор" сафида сўнгги пайтларда ажойиб ўйинлар намойиш қилаётган ёш ярим ҳимоячи Станислав Андреев илк марта мамлакатимиз бош жамоасига таклиф этилган. Шунингдек, Италия "С" сериясининг "Пескара" жамоаси сафида тўп сураётган Илёс Зейтуллаев ҳам икки йиллик танаффусдан сўнг яна миллий терма жамоа сафига чақирилган.Бундан ташқари, олдинги ўйинда жароҳати туфайли таркибга киритилмаган "Пахтакор" клубининг ҳимоячилари Илҳом Суюнов ва Ислом Иномовлар ҳам 27 футболчи сафидан жой олишган.

Қуйида терма жамоамизга таклиф этилган футболчиларнинг тўлиқ рўйхати билан танишишингиз мумкин. Дарвозабонлар: Игнатий Нестеров, Михаил Наумов, Тимур Жўраев. Ҳимоячилар: Анвар Ғофуров, Анзур Исмоилов, Артём Филипосян, Саҳоб Жўраев, Ислом Тўхтахўжаев, Виталий Денисов, Хайрулла Каримов, Ислом Иномов, Илҳом Суюнов. Ярим ҳимоячилар: Одил Аҳмедов, Тимур Кападзе, Жасур Ҳасанов, Фозил Мусаев, Сервер Жепаров, Илдар Магдеев, Азиз Ибрагимов, Виктор Карпенко, Азиз Ҳайдаров, Илёс Зейтуллаев, Станислав Андреев. Ҳужумчилар: Фарҳод Тожиев, Максим Шацких, Шаҳбоз Эркинов, Анвар Солиев.

ЎЗГАРИШЛАР КАТТА

Бутун жаҳон автоспорт федерациясининг Парижда ўтказилган йиғилишида, Формула-1 мусобақаси раҳбарияти ушбу чемпионат ғолибларини аниқлаш тизими ўзгартирилгани ҳақида айтиб ўтишди. Унга кўра, 2009 йил мавсумидан бошлаб, чемпионлик камари энг кўп ғолибликни қўлга киритган пойгачига берилади. Бунда аввалгидек очколар ҳам ҳисобга олинади, албатта. Агар иккита ёки ундан кўпроқ пойгачи бир хил пойгада ғолиб чиқадиган бўлса, унда чемпион очколарга қараб аниқланади. Очколарни ҳисоблаш тизими эса олдингидек қолаверади. Иккинчи ва бошқа ўринларни аниқлаш учун ғалабалар сони аҳамиятга олинмайди. Бундан ташқари, йиғилиш давомида Honda Racing жамоаси Бутун жаҳон автоспорт федерациясига мурожаат қилиб, ўз номини Brawn GP Formula One Team деб ўзгартиришларини илтимос қилган. Ўз навбатида федерация бу таклифни қабул қилди ва жамоани чемпионатнинг янги иштирокчиси сифатида эътироф этди.

ЖАНГЛАР МУДДАТИДАН ОЛДИН ТЎХТАТИЛДИ

Украиналик боксчи Виталий Кличко оғир вазнда WBC йўналишининг камарини ҳимоя қилди. У Германиянинг Штутгарт шаҳрида ўтказилган бокс учрашувида даъвогар Хуан Карлос Гомесни техник нокаутга учратиб, навбатдаги ғалабасини қўлга киритди. Виталий Кличко муштлашувнинг етти раундидаёқ рақибини нокдаун ҳолатига туширганди. Шунга қарамасдан, кубалик чарм қўлқоп устаси жангни давом эттирди. Бироқ, тўққизинчи раундда учрашувни бошқариб борган ҳакам Даниэль Ван де Вилле баҳслашувни тўхтатиб, Кличконинг рақибини техник нокаут билан енганини маълум қилди.

Яна бир учрашувда тўрт вазн тоифасида собиқ жаҳон чемпиони кичкина Рой Жонс Американинг Пенсаколесида ўтказилган бокс учрашувида иккинчи ўрта вазн тоифасида бир неча бор жаҳон чемпиони ҳисобланган Омар Шейкони бешинчи раундда техник нокаутга учратиб, ғалаба қозонди. Жангнинг дастлабки дақиқалари сезиларли даражада кичкина Рой Жонснинг устунлигида ўтди. Бешинчи раундга келиб Омар Шейко кетма-кет зарбаларни ўтказиб юборди. Ҳатто у рақибига бирорта ҳам жавоб зарбаси бера олмади. Шундан кейин ҳакам учрашувни тўхтатишга мажбур бўлди.

МУАММОЛАР ТУФАЙЛИ

Россиялик Николай Давиденко АТР доирасида Майамида ўтказиладиган теннис турнирида жароҳати туфайли иштирок этолмаслигини маълум қилди. Эслатиб ўтамиз, у мазкур мусобақада ўтган йили ғолиб бўлиб, турнир тарихида биринчи россиялик чемпион бўлган эди. Николай Давиденко Ченнаеда ташкил этилган теннис турнирида тавонидан жароҳат олган эди. Шунингдек, у олдинроқ Австралия очиқ чемпионатида ҳам иштирок этишдан бош тортганди.

Сербиялик спортчи Елена Янковичга эса оилавий муаммолари теннисдаги фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилаяпти.

— Кейинги пайтларда онамнинг соғлиги ёмон. Шунинг учун унга ғамхўрлик қилишим керак. Бир неча кундан бери ухлаганим йўқ. Албатта, бу ўйинларимга жиддий таъсир қилади. Ҳозир эса онамга ёрдамим керак экан, унинг ёнида бўлишим лозим. Тўғри, мен теннисдан анча узоқлашиб кетдим. Лекин теннис бу — ўйин. Ҳаётда эса ундан ҳам муҳимроқ нарсалар бор. Масалан, атрофингдаги яқин инсонлар. Умид қиламанки, онам тез орада оёққа туради, — дейди у журналистларга берган интервьюсида.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

ТАФАККУР

Ҳаёт илмонга ўхшайди

- *Ҳаёт қонунлари шахмат қоидаларига ўхшайди. Унда кутилмаган омадга эмас, ўз тажрибаси ва ақлига таянганларгина ютади.*
- *Ҳаётнинг илмонга ўхшашлиги шундаки, ичкарилаганинг сари чуқурлашиб бораверади.*
- *Ўз имкониятларидан тўғри фойдалана билмаган киши — беғам, беозор ва ... бефойда мусичага ўхшайди.*
- *Мақол ва ҳикматлар — ҳаётимиз харитаси. Уларга амал қилган киши саодат манзилига етиши шубҳасиз.*

Абдулҳамид ҲАЙДАРОВ, журналист.

ҚИЗИҚ

Вақт бирлигининг тарихи

Нима учун вақт бирлиги 60 дақиқа ёки 60 сония қилиб олинган? 50 ёки 100 қилиб олинмаганининг сабаби нимада? Бу хил саволлар кўпчиликни қизиқтиради, албатта.



Одамлар бир кеча-кундузни йигирма тўрт соатга бўлишни расм қилиб олгунларича узоқ асрлар ўтди. Хўжалик ишларини тартибга солиш учун вақтни жуда аниқ белгилаш талаб қилинмаган энг қадимги замонларда кишилар кеча-кундузни тўрт қисмга: туннинг боши, ўртаси ва охири, куннинг эрта, туш пайти ва кечқурунга бўлиниши ҳақида нақл қилинган эди.

Кейинчалик кўпгина халқлар зарурият юзасидан бир кеча-кундузни майдароқ қисмларга бўлишга уринганлар. Чунончи, эрамиздан аввалги VIII асрдаёқ Дажла ва Фрот дарёлари оралиғида яшаган бобилликлар уни 12 қисмга бўлганлар, бу қисмларнинг ҳар бири бизнинг икки соатга баравар эди.

Бир кеча-кундузни олти қисмга бўлиш билан ўн икки қисмга бўлиш ўртасидаги мантиқий боғланишни тушуниб олиш қийин эмас. Олти қисмга бўлишни табиатнинг ўзи тақозо қилади. Ўн икки қисмга бўлишни эса кишилар ҳаётидаги хўжалик талаблари билан изоҳлаш мумкин. Жамият тараққиётига қараб вақт ўлчовини яна ҳам майда бирликларга бўлиш заруряти туғилди. Бу табиий ҳол эди. Замон ўзгаргани сари вақтнинг қадри ҳам ошаверди. Баъзи халқлар кунни (қуёш чиқишидан то ботгунга қадар) 12 соатга, тунни ҳам 12 соатга тақсимлаганлар. Шу тариқа, бир кеча-кундуз 24 соатга тенг бўлган. Маълумки, кун ва тун йил давомида узайиб-қисқариб туради, уларнинг ҳар бирини 12 соатга бўлиши ноқулайликлар туғдирди. Буни ҳисобга олиб, кунни ва тунни алоҳида-алоҳида ҳисобламасдан, умуман кечаю кундузни баб-баравар 24 соатга бўлишга қарор қилинди.

Астрономия фани соатни янада майда бирликларга бўлишни тақозо қилди. Шу тариқа, соат 60 дақиқага, дақиқа эса 60 сонияга бўлинди. Олтмиш сони кўпгина амалий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда танлаб олинди.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

ТИББИЁТ

Йодланган ош тузи

муаммони ечишга ёрдам беради

Тараққий этган мамлакатларда аҳолининг саломатлиги билан боғлиқ масалалар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки соғлом кишигина жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўла олади. Шу боисдан республикамизда ҳам аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Маълумки, ҳозирги кунда тиббиётдаги долзарб муаммолардан бўлган қандли диабет ва буқоқ касаллиги бутун эндокрин хасталикларнинг 80-90 фоизини ташкил қилади. Эндемик буқоқ қалқонсимон безда йод моддаси етишмовчилиги хасталиги бўлиб, у тезда даволанмаса жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу дардга чалинганлар сони дунё миқёсида йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам ташвишли ҳолдир. Ҳозир жаҳонда 760 миллион одамда буқоқ, 11 миллион беморда кретинизм аниқланган бўлса, 43 миллион киши ақлий ва жисмоний заифлик хасталигидан азият чекмоқда. Йод етишмовчилиги мавжуд ҳудудларда яшаётган одамларнинг умумий сони ва шу хасталикка дучор бўлиш хавфи 1,5 миллиард кишини ташкил қилади. Афсуски, Ўзбекистон тупроғида, сувида, мевасида йод моддаси етарли эмас. Бунинг устига қўшни Тожикистон алюминий заводидан чиқадиган заҳарли моддалардаги фтор бирикмалари Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой ва Шўрчи туманлари табиатидаги йодни ҳам ўзига олиб, буқоқ касаллигининг авж олишига омил бўлаяпти. Шу боисдан юртимизда сўнгги 10 йилда эндокринологлар ҳисобида турган буқоққа чалинган беморлар 4 баробар ортди.

Эндокринология илмий-текшириш институти ходимларининг 1998 йилда бутун Ўзбекистон бўйича 38 минг киши ўртасида ўтказган эпидемиологик изланишлари буқоқ касаллиги уларнинг 40-45 фоизида қайд этилганини тасдиқлади. 2003 йилда 1.403.620 бемор қалқонсимон без касалликлари бўйича рўйхатга олинган. Шулардан 491.664 таси болалар экани жуда афсусланарлидир. Ушбу касаллик айниқса, Фарғона, Андижон, Наманган, Бухоро, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида энг кўп учрайди.

Хўш, бу хасталикни даволаш ва унинг олдини олиш мумкинми? Гарчи бу касалликдан батамом халос бўлишнинг имкони бўлмаса-да, уни тўхтатиш мумкин. Аслида муаммонинг ечими жуда осон. Бунинг учун мунтазам равишда йодланган ош тузини истеъмол қилиш кифоя. 1 кг. ош тузини йодлаш 2-3 АҚШ центига тўғри келишини ҳисобга олсак, жаҳон бўйича ош тузини йодлашга кетадиган харажат 1 миллион 200 минг долларни ташкил қилар экан. Тасаввур қилинг, йод танқислиги билан касалланганларни даволаш учун сарф бўладиган маблағ эса 192 миллион долларга тенг келар экан. Демак, бу хасталикнинг олдини олишнинг энг арзон ва енгил усули ош тузини йодлашдир. Бунда тузнинг таъми, ҳиди ва ранги ўзгармайди. Бошқача айтганда йодланган йодланмаган ош тузидан деярли фарқ қилмайди. Йод бирикмаларини ош тузидан ташқари нонга, сувга ҳам қўшиб берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Аммо туз ишлаб чиқараётган корхоналарда ош тузини йодлаш яхши йўлга қўйилмаяпти.

Қолаверса, йодланган туздан фойдаланмаслик нималарга олиб келиши ҳақида ҳалигача аҳоли унчалик яхши тасаввурга эга эмас. Қолаверса, ош тузи қуруқ, ёпиқ, ёруғ тушмайдиган идишда сақланиб, овқат пишганидан сўнг қўшилса йод организмга тушиши мумкин. Агар шу қоидалар бажарилмаса барча гап-сўзлар, саъй-ҳаракатлар бефойда. Яқинда йодланган пахта ёғи ишлаб чиқарилаётгани реклама қилинди. Лекин маълумки, ёғ чучитилганда унга қўшилган йод йўқолиб кетади. Қозонда пишаётган овқатга йодланган тузни солгач, у 2-3 соат пиширилса ҳам унда йод қолмайди.

Тоҳир ИБРАГИМОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Серка КАТТАЕВ, тиббиёт фанлари номзоди, доцент.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.10

® — тижорат белгиси.

Адади: 16300 Буюртма — Г-254 1 345678